

БАХТИЁР ОМОНОВ



Uzbekistan



ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Тошкент
GLOBAL BOOKS
2017

УЎК 338. 465.4 : 061.1

КБК 67.401(5Ў)

О-56

Омонов, Бахтиёр. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш механизмлари. [Матн] : услубий қўлланма / Б. Омонов. - Тошкент : GLOBAL BOOKS, 2017. - 72 б.

Масъул муҳаррир: Х. Дўстмуҳаммедов, филология фанлари доктори

Ушбу қўлланма БМТ Тараққиёт дастури лойиҳасининг Ўзбекистондаги ваколат-хонаси кўмагида тайёрланди. Бугунги кунда БМТТД дунёнинг 170 дан зиёд мамла-катада иқтисодий ва демократик ислохотларни тезлаштириш, фуқаролик жамияти шаклланишида Ҳукуматга ёрдам бериш, самарали бошқарув йўналишида фаолият олиб бормоқда.

2014 йил 5 майда қабул қилинган “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мақсади давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги соҳасидаги муноса-батларни тартибга солишдан иборат.

Сиёсий фанлар номзоди Бахтиёр Омонов томонидан тайёрланган услубий қўлланма давлат ҳокимияти раҳбарларининг халқ билан мулоқотини мустаҳкамлаш, уларнинг иш самарадорлигини ҳозирги замон даражасига кўтаришга хизмат қилади. Қўлланманинг муҳим жиҳати шуки, унда хорижий мам-лакатлар ва Ўзбекистон тажрибаси қиёсий ўрганилган, назарий масалалар қонун моддалари асосида тушунтирилган. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари масъул ходимларининг очиқликка оид вазифалари, ахборот очиқлиги принцип-лари, веб-сайтларни юритиш, ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўровларига обь-ектив жавоб тайёрлаш учун етарли билимга эга бўлиш, ахборотларни таҳлил қила билиш масалалари ёритилган.

Координатор: О.Ғайбуллаев, БМТ тараққиёт дастурининг “Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш / 2-босқич” лойиҳаси масъул ходими.

Тақризчилар: Н.Маҳкамova, тарих фанлари доктори, Ҳ.Зайниддинов, техни-ка фанлари доктори.

Тошкент Ахборот технологиялари университети Илмий-услубий кенгашининг 2016 йил 29 октябрдаги йиғилиши 2 (93)-сонли қарорига асосан, нашрга тавсия этилган

УЎК 338.465.4:061.1

ISBN 978-9943-4925-3-0

@ Б.Омонов, 2017 йил

@ «Global Books» нашриёти, 2017 йил.

1

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЗАРУРИЙ ШАРТИ

КИРИШ

Халқаро ҳамжамият бугун ахборотларсиз алоқалар ўрнатиши, бир давлат иккинчи давлат билан муносабатга киришиши мумкин бўлмай қолди.

Ўзбекистонда фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқи давлат қонунчилигида кафолатланган. Хусусан, **Ўзбекистон Конституцияси (1992)нинг 29-моддасида** «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин»; **30-моддада:** «Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим», деб ёзилган.

Бу ҳуқуқ янада кенгроқ ва чуқурроқ нормаларда бошқа соҳавий қонунларда ҳам мустаҳкамлаб берилган. Шунингдек, ахборот олиш ҳуқуқи Ўзбекистон ратификация қилган бир қатор халқаро ҳужжатлар орқали кафолатланган.

«Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди»

Ислом Каримов

Эндиликда ахборотнинг эгаси ва унинг мулкдори бўлиши мумкинлиги тушунтирилди. Ахборот товарга тенглаштирилди, маълум бир қийматга эга бўлиши мумкинлиги мустақкамланди. Фуқаролар ахборотларнинг тўла маънодаги истеъмолчиларига, ахборотлар эса товарга айланди.

Мазкур қонунлар орқали ахборот эркинлиги ва унинг асосий белгиси бўлмиш ахборот олиш эркинлигининг асосий принциплари белгиланди. **Бу ахборотнинг очиқлиги ва ошкоралиги, ахборотдан ҳамма эркин фойдаланиши мумкинлиги ва унинг ҳаққонийлиги принциpidан иборат.**

Ахборот эркинлиги тамойили ва унинг асосий принциплари Ўзбекистонда демократик ўзгаришларга асос бўлаётган давлат ва жамиятни модернизациялаш стратегиясининг асосий йўналишларидан бирини ташкил этади. Бунинг ёрқин далили – Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида «Ахбо-

ҲАВОЛА

Ахборот олиш ҳуқуқининг халқаро ҳужжатларда белгиланиши

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 19-моддасида «Ҳар бир инсон эътиқод эркинлигига ва уни эркин ифода қилиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ҳеч бир тўсиқсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва фояларни ҳар қандай восита билан, давлат чегараларидан қатъи назар излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади», дейилган.

1975 йилдаги Хельсинки Яқунловчи актида ахборотнинг мазмуни, ахборот олиш ва уни тарқатиш, алмаштиришни яхшилаш, ахборот соҳасидаги ҳамкорлик, ахборот тарқатувчилар шароитини яхшилашга оид 10 га яқин алоҳида норма белгиланган.

1983 йилдаги Мадрид учрашувининг Яқунловчи ҳужжатида; **1986** йилдаги ЕХХТнинг Вена Яқунловчи ҳужжати ёки ЕХХТнинг бир қатор саммитларида қабул қилинган ҳужжатларда инсоннинг ахборот олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқи ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш, уни ҳар томонлама рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилган.

ҲАВОЛА

Ахборот олиш ҳуқуқининг Ўзбекистон қонунчилигида мустаҳкамланиши

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, «ҳар ким ахборотни монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳуқуқига эга».

«Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонун (1997)

3-моддада: «Ҳар бир фуқаронинг ахборот олиш ҳуқуқи кафолатланади. Ҳар кимнинг ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ва тарқатиш ҳуқуқи давлат томонидан ҳимоя қилинади», 4-моддада: «Ахборот олиш эркинлигининг асосий принциплари ахборотнинг ошкоралиги, ҳамма олиши мумкинлиги, очиқлиги ва ҳаққонийлигидан иборатдир», 5-моддада: «Ҳар ким ахборот олишни сўраб бевосита ўзи ёхуд қонуний вакиллари орқали мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонун (1997, 2007)

5-моддада: «Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига биноан ахборотни излаш, олиш, тарқатиш ҳуқуқига эга ҳамда тарқатилаётган ахборотнинг ҳолислиги ва ишончилиги учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади».

«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонун (2003)

5-моддада: «Очиқлик ва ошкоралик, ҳамма эркин фойдаланиши мумкинлиги ва ҳаққонийлик ахборот эркинлигининг асосий принципларидир».

рот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш»нинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилаб берилди. Бу борада Биринчи Президентимиз И.Каримов шундай дейди: «Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва

«Давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига баҳо беришда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қандай ҳимоя қилинаётганлиги, уларга давлат хизматлари кўрсатишнинг сифати ва очиқлиги биз учун энг асосий мезон бўлиши шарт. Шу борада бир фикрни яна такрорлаб айтмоқчиман: халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак».

Шавкат Мирзиёев

ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз». Шу боис, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ОАВнинг ўрни янада ошиб бормоқда.

Бу масалада бир қатор амалий ишлар йўлга қўйилди. Хусусан, 2014 йилнинг апрелида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ялпи мажлиси қарори асосида:

- Конституциямизнинг 32-моддасида жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда такомиллаштириш орқали иштирок этиши белгилаб берилди. Эндиликда бундай иштирок этиш, давлат

органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан ҳам амалга оширилишини кўзда тутадиган нормалар билан тўлдирилди.

- 103-моддага кўра, вилоят, туман ва шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашига ҳудуднинг энг муҳим, долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиши ва улар бўйича халқ депутатлари Кенгаши томонидан қарорлар қабул қилиниши нормаси киритилди.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир фуқаронинг ахборот олиш эркинлиги ва ҳуқуқи мустаҳкамланди. Яъни, фуқаро ўзи яшаб турган жамият, уни ўраб турган муҳит ҳақида ахборотлар билан таъминланиши зарур.

1.1. ҚОНУННИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ

2014 йил 5 майда «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Ушбу қонуннинг мақсади: давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлиги, улар фаолияти ҳақидаги ахборотлардан оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, аҳоли (ахборотдан фойдаланувчи)нинг кенг фойдаланишини таъминлаш.

Қонуннинг асосий вазифалари – жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини таъминлаш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқини кафолатлаш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган қарорлар учун масъулиятини ошириш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни тарқатиш тартибини белгилашдан иборот.

Шундай қилиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини эркинлаштириш, уларни халқ эҳтиёжлари ва манфаатларига яқинлаштириш, фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шериклик ва ҳамкорлигини ривожлантириш, албатта, давлат аппарати фаолияти самарадорлигини оширишга, давлатнинг жамият манфаатларига янада кўпроқ хизмат қилувчи институтга айлантиришга қулай имконият яратади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда халқ билан самарали мулоқотни таъминлаш «2017 йил – халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дас-турининг энг муҳим ва долзарб вазифасига айланди. Ҳаракатлар стратегияси «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да қабул қилинган бежиз эмас. Негаки, унда мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторига киришдек ажойиб режалари, халқимизнинг орзу-интилишлари ўз ифодасини топган.

Қонуннинг 4-моддасида ДХБО фаолияти очиқлигининг асосий принциплари сифатида улар томонидан тақдим этиладиган ахборотдан ҳамманинг фойдаланиши мумкинлиги, унинг ўз вақтида берилиши ва ишончлилиги;

улар фаолиятининг ошкоралиги ва шаффофлиги; ДХБО фаолияти тўғрисидаги ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги; ДХБО фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этишда фуқароларнинг ўз шаъни ва қадр-қимматини тажовузлардан, ўз шахсий ҳаётига аралашувлардан ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, шунингдек фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқларига риоя этиш алоҳида кўрсатиб ўтилган.

5-моддада ДХБО фаолиятига оид ахборот рўйхати аниқ белгилаб қўйилди. Булар:

биринчидан, ДХБО таркибий ва ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

иккинчидан, ДХБО томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, норматив ҳамда бошқа ҳужжатлар, шунингдек уларнинг ижро этилишининг бориши тўғрисидаги маълумотлар;

учинчидан, ДХБО қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, норматив ва бошқа ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек ушбу ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги маълумотлар;

тўртинчидан, ДХБОда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳамда бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар;

бешинчидан, ДХБОнинг давлат дастурлари ва бошқа дастурларнинг амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотлар;

олтинчидан, ДХБО ўтказадиган оммавий тадбирлар (мажлислар, кенгашлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, брифинглар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар;

еттинчидан, ДХБО ва бошқа органларининг жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумотлар;

саккизинчидан, ДХБО иштирок этаётган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги маълумотлар;

ҲАВОЛА

Қонуннинг асосий вазифалари:

- ✦ жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини таъминлаш;
- ✦ давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқининг кафолатларини таъминлаш;
- ✦ давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган қарорлар учун масъулиятини ошириш;
- ✦ давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни тарқатиш тартибини белгилаш.

тўққизинчидан, ДХБО фаолияти соҳасига тааллуқли бўлган тармоқ (ҳудуд)нинг ҳолатини ва унинг ривожланиш суръатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар, шу жумладан, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар;

ўнинчидан, ДХБО ўтказадиган (ташқил этадиган) очиқ танловлар (тендерлар) ва кимошди савдолари тўғрисидаги маълумотлар;

ўн биринчидан, бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва бўш иш ўринларини эгаллаш учун номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотлар;

ўн иккинчидан, ДХБО да тузилган мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат органлари тўғрисидаги маълумотлар;

ўн учинчидан, ДХБО очиқ ҳайъат мажлисларини ўтказиш режалари, шу жумладан мажлисларнинг кун тартиби лойиҳалари, улар ўтказиладиган сана, жой ва вақт, мажлисларда ҳозир бўлиш тартиби.

Бундан ташқари, Қонуннинг 6-моддасида ДХБО фаолияти тўғрисидаги фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот (давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирлар) ҳам аниқ кўрсатиб берилди.

1.2. ДХБО РАҲБАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

«Одамлар билан ўларнинг тилида гаплашиш, дардини эшитиш ва муаммоларини ҳал қилишнинг самарали усулларини жорий этиш устида жиддий бош қотиришимиз зарур», деган эди давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органи (ДХБО) раҳбари ҳам юқоридаги қонунни бажариш учун асосий масъул шахс. Раҳбар бир қатор ваколатларни ўз зиммасига олиб, тегишли мансабдор шахслар билан бирга давлат ва жамият ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун барча саъй-ҳаракатларни амалда қўллаши зарур. Яъни, у:

- ДХБО таркибий ва ҳудудий бўлинмаларининг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фуқароларнинг фойдаланишини таъминлашга доир фаолиятни мувофиқлаштириб бориши;

- соҳага доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилишини ҳамда қабул қилинишини ташкил этиши;

- ДХБО фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича ўтказилаётган тадбирлар мониторинг қилиниши ва доимий равишда комплекс баҳоланишини уюштириши;

- ДХБО фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш учун масъул бўлган мансабдор шахсларни белгилаши;

- расмий веб-сайтларда жойлаштириладиган ахборотлар рўйхатини тасдиқлаши;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ чеклаб қўйилган ахборотга тааллуқли маълумотларни тасдиқлаши;

- фаолияти тўғрисидаги эълон қилиниши (чоп этилиши) лозим бўлган ахборот материалларини кўриб бериши;

- очиқ ҳайъат мажлисларида журналистларнинг ҳозир бўлиш тартибини белгилаши;

- ахборотдан фойдаланувчиларнинг ДХБО фаолияти тўғрисидаги ахборотдан монеликсиз фойдаланишини таъминлаши;

– ҳақлиятининг очиклиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган-лик учун мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўриши керак бўлади.

Агар ДХБО нинг очиклигига оид ҳар йили мониторинг қилиб борили-шини ҳисобга оладиган бўлсак, бу борада катта миқёсдаги ташкилий-ҳуқуқий ишлар навбат кутиб турганлигини чуқур ҳис этиш мумкин.

1.3. ДХБО АХБОРОТ ХИЗМАТИ ВАЗИФАСИ

Ахборот хизмати ҳам ушбу қонун ижросида энг муҳим бўғинлардан биридир. Ахборот хизмати ДХБО ҳақлиятини тўғрисидаги ахборотни тайёр-лаш ҳамда тарқатиш вазифасини бажарувчи – ОАВ ва жамоатчилик билан ҳамкорликни таъминловчи таркибий бўлинма ёхуд ана шу вазифаларни бажариш зиммасига юклатилган шахс. Шунинг учун мазкур лавозимга профессионал, ишчан, билимдон, ўз вазифасига оператив ёндашувчи жур-налист (ёки ёзув-чизув қўлидан келадиган ижодкор ходим) кадрни топиш бу борадаги ишларнинг самарадорлигига таъсир қилади.

Ахборот хизмати оммавий тадбирларни ташкил этиш, ахборот ха-барларини (пресс-релизлар, бюллетенлар) тарқатиш, шунингдек расмий веб-сайтда уларнинг ҳақлиятини тўғрисидаги ахборотни жойлаштириш ва янгилаб бориш йўли билан ДХБО ҳақлиятини ОАВда ёритиш масалала-ри билан мунтазам шуғулланади.

Бу тизим Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрдаги «Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 203-сон қарорида тас-диқланган ахборот хизмати тўғрисидаги Низом асосида ҳақлият олиб бо-ради.

ДХБО ахборот хизмати билан ОАВ, хусусан, босма матбуот ва телерадио каналлари орқали давлат ҳоқимияти органлари ҳақлиятининг муҳим қирраларига эътибор қаратиб, маълум ҳудудда амалга оширила-ётган ижтимоий-иқтисодий ва маърифий ислохотларни кенгроқ ёритиб келмоқдалар.

ҲАВОЛА

ДХБО фаолияти тўғрисидаги ахборот манбалари:

- ❖ ДХБОнинг расмий нашрлари;
- ❖ ДХБО раҳбарлари ҳамда ушбу органлар ваколат берган мансабдор шахсларнинг чиқишлари ва баёнотлари;
- ❖ ДХБО ахборот хизматининг хабарлари;
- ❖ Расмий веб-сайтларнинг материаллари;
- ❖ оммавий ахборот воситалари (ОАВ) нинг материаллари.

Бугунги кунда фуқароларнинг ахборот олишларида телевидение ва радио аҳолига мунтазам ҳамда тезкор ахборот етказадиган ОАВ ҳисобланади. Шу боис, турли ахборотларни ОАВ, айниқса ахборот технологиялари ривожланган интернет ресурсларидан фойдаланган ҳолда узатиш ва қабул қилиш билан боғлиқ фаолият ҳам маънавий-мафкуравий аҳамиятга молик вазифага айланиб ўлгурди.

Ахборотнинг ва фуқароларнинг ахборотга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. Қонунчиликка кўра ахборот ҳам, фуқароларнинг ахборотга бўлган ҳуқуқлари ҳам у ахборот ресурсларига киритилаётган ёки ахборотлар базаси сифатида тўпланаётганда ва бошқа ахборотлаштириш жараёнида ҳимоя қилинади. Бу ҳимоя ахборотнинг ҳаққоний ва объектив бўлишини таъминлайди. Ахборотлар сохталаштирилса ёки қалбакилаштирилса, фойдаланувчиларга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар келтириши мумкин.

Шахс ва жамият давлатнинг ахборот соҳасидаги хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш, ахборотнинг махфийлигини таъминлаш, унинг ўйирланиши ёки йўқотилишининг олдини олиш, ахборотнинг бузиб талқин этилиши ёки сохталаштирилишининг олдини олиш мақсадида муҳофаза қилинади.

Чекланган ахборотлар. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат сирлари тўғрисида»ги Қонунида ошкор этилмайдиган ахборот манбалари ва дав-

лат сирларини белгиловчи меъёрлар кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 97–100, 1095–1097 моддаларида конфиденциал ахборотлар, тижорат сирлари, ишчанлик обси ёки шахсий сир ва кадр-қимматга путур етказувчи ахборотларни тарқатишда чекланишлар мавжуд. Бундай ахборотлар фақат шу ахборот ва унга тенглаштирилган манбаларга ҳуқуқи бўлганларнинг рўхсати билангина эълон қилиниши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Бундай тартиб дунёнинг деярли барча мамлакатлари қонунчилигида мустаҳкамланган ва унга риоя этилиши ўстидан назорат олиб борилади.

Ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантормасдан туриб, улкан мақсадларга эришиб бўлмайди.

Мавзу бўйича тавсиялар:

- Ижро ҳокимияти билан ОАВ алоқасини янада мустаҳкамлаш зарурлиги;
- Фуқароларнинг ижро ҳокимияти тизимида, ижтимоий ҳаётда юз бераётган воқеа-ҳодисалар, жараёнлар тўғрисида кўпроқ хабардор қилиниши;
- Фуқароларда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга тўғри баҳо бера олиш қобилиятини шакллантириш, уларни сиёсий жараёнларда бевосита ва билвосита иштирок этишга тайёрлаш;
- ОАВ – жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантириш органи, у давлат органларини тўғри чоралар қабул қилишга ундовчи восита эканлигини тушунтириш;
- ДХБО ўз кўмакчиси, тарғиботчиси бўлган ОАВдан аҳолига олдига қўйилган мақсад, вазифа ва дастурлари моҳияти ҳамда мазмунини етказишда асосий тарғибот воситаси сифатида фойдаланиш.

ҲАВОЛА

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлиги асослари

- ✦ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992.
- ✦ «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуни. 1993.
- ✦ «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуни. 1997.
- ✦ «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонуни. 1997.
- ✦ «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни. 1999.
- ✦ «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни. 2003.
- ✦ «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонуни. 2014.
- ✦ «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни. 2014.
- ✦ «Ижтимоий шериклик тўғрисида» Қонуни. 2014 йил.
- ✦ «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 2017.

2

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА МАСЪУЛ БЎЛГАН СУБЪЕКТЛАР ИШИНИ БАҲОЛАШ

2.1. ДҲБО РАҲБАРИНИНГ ҚОНУН ИЖРОСИГА ДОИР ВАЗИФАЛАРИ

Қонунда ДҲБО раҳбари (ҳоким) га катта масъулият юклатилган. Давлат ҳокимияти раҳбари биринчи навбатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатидаги барча ҳужжатлар билан яқиндан танишиши, ҳуқуқий ва ахборот-таҳлил бўлимлари етук мутахассислари билан бу масалаларни чуқур муҳокама қилиб, кенгашиб туришини замоннинг ўзи тақозо этмоқда. Шунда Биринчи Президентимиз ўртага қўйган **«Мустақиллик, бу – ҳуқуқ»** принципнинг ҳаётдаги амалий тасдиғини кўрамиз.

Албатта, Ўзбекистонда ижро ҳокимияти фаолиятининг очиқлигини оширишга қаратилган муайян механизмлар ишлаб чиқилган. Очиқлик принципи мамлакат Конституцияси ва бир қатор қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган. **Аммо давлат бошқаруви тизимида ҳанузгача мазкур масала турлича тушунилаётгани кўзга ташланади. Норматив-меъёрий ҳужжатлар мавжуд бўлишига қарамасдан, бу муаммонинг қўйилишидан кўзланган асосий мақсад, вазифа, функциялар, энг муҳими, очиқликни таъминлаш тушунчаси тўлиқ шаклланмаган.**

ДҲБО очиқлиги қонун ва бу борадаги ҳукумат қарорларидан асл мақсад – фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига ишончини кучайтириш, маъмурий тўсиқлар ва коррупция ҳолатларининг камайишига эришишдир. Чунки ижро ҳокимияти органлари фаолияти фуқаролар учун ҳамон ёпиқ бўлгани сабабли уларнинг фаолияти устидан жамоат назоратини тўлақонли амалга оширишнинг имкони бўлмапти.

Ушбу муаммо маъмурий тўсиқларнинг янада кўпайишига олиб келмоқда. Шу боис, сўнгги йилларда Хитой, Сингапур мамлакатларининг бу борадаги тажрибасини ўрганиш асосида **бизнес, ҳокимият ва жамият алоқаларида очиқликни таъминлаш** йўналишида дадил қадамлар қўйилмоқда.

Биз ҳуқуқий демократик давлат қурар эканмиз, истаимизми-йўқми кундалик ҳаётимизда давлат органлари фаолиятининг очиқлиги масаласига тўқнаш келаверамиз.

ДХБО фаолияти очиқлигига сабаб бўлган асосий омиллар нимада, деган ҳақли савол туғилади. Таҳлилларимизга қараганда, бу ҳолат асосан қуйидагилар билан изоҳланади:

1) ҳокимият алоқа тизимида, фуқаролик жамияти институтларида, ОАВ да янги инновацион технологияларнинг кенг жорий қилинаётгани;

2) ОАВ – жамият – ҳокимият қизиқишларида консенсусга эришилгани давлат тизими осойишталигининг бош омилига айлангани;

3) жамоатчилик, хусусан, кичик бизнес аҳлида давлат органларига ишончнинг ошаётганлиги;

4) коррупцион алоқа схемаларининг заифлашганлиги;

5) бошқарув қарорларининг сифати ўсганлиги ва қарорларнинг мақсад-вазифаларини белгилашда шаффофлик кўриниши пайдо бўлаётганлиги;

6) фуқароларда давлат сиёсатига дахлдорлик туйғуси шаклланаётганлиги.

Бу – масаланинг муҳим сиёсий жиҳати.

Унинг иқтисодий томонига эътибор қаратсак, мустақиллик йилларида (1991–2017 йиллар) ижро ҳокимияти ресурслари ташкилий тарафдан сезиларли равишда ўсганлигини ҳам тан олиш лозим. Тизимга замонавий ахборот технологиялари, фуқаролар учун ахборот каналлари пайдо бўлди, аҳолининг ахборот ва компьютер саводхонлиги даражаси, ижро ҳокимияти органларининг йирик миқёсдаги тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тажрибаси анча ошди.

Биргина мисол. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, айниқса, солиқ, божхона, банк, статистика, маҳаллий ҳокимият тизимида ахборот

ва ҳисоботларни электрон шаклда олиш имконияти одат тусига кирганлиги жамият ва ҳокимият ўртасида ишонч ҳиссини ўйғотмоқда.

Биз ушбу масалани ёритар эканмиз, аввало **«давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари очиқлиги», «давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари шаффофлиги»**, деган тушунчаларга аниқлик киритишимизга тўғри келади.

«Шаффофлик» деганда фуқароларнинг давлат органлари қабул қилган қарорлар билан танишиш, баҳолаш имконияти ва ДХБОнинг фуқароларга ҳисобот бериши тушунилади.

«Очиқлик» деганда давлат бошқарувида жамоатчиликнинг кўпроқ иштирок этиши англашилади.

Бугунги кунда ДХБО фаолияти очиқлигининг ривожланиши асосан икки омилга боғлиқ бўлиб турибди:

Биринчидан, жамият, шахс расмий ахборотни излаш, топиш, олиш, ундан фойдаланишни англай бошлаши керак. Бу эса маълум вақт, ҳуқуқий маданият даражасининг ошишини ва ўта фаолликни талаб қилади.

Иккинчидан, ижро ҳокимияти ахборот бериш масаласида жамоатчиликка қўл узатиши ва бунинг икки томонга ҳам аҳамиятли, фойдали эканлигини ҳис қилиши лозим.

Шу билан бирга, мамлакатимизда ижро ҳокимияти органлари очиқлигини ривожлантиришга халақит берувчи ҳолатларни таъкидлаб ўтишга тўғри келади. Булар қуйидагилар:

- жамоат назорати ва унинг аниқ ваколатлари етарли даражада такомиллашмаганлиги;
- маъмурий регламент самарадорлигига эришиш тизими яратилмаганлиги;
- ижро ҳокимияти органларидаги мансабдор шахслар очиқлик талабларини бажармаган ҳолларда улар учун жавобгарлик ҳолати ишлаб чиқилмаганлиги;
- ижро ҳокимияти органлари ходимларида очиқликни қўллаш кўникмасининг шаклланмаганлиги;

1-ЖАДВАЛ

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти очиқлигининг афзалликлари¹

Давлат бошқаруви йўналиши	Афзаллиги
Демократик ва ҳуқуқий давлат қуриш	❖ Ҳуқуқий назорат тартиботи мустаҳкамланди; ❖ Фуқароларнинг ахборот олиш ва ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқи амалга ошди; ❖ Давлат сиёсатида очиқ мулоқот услуби вужудга келди; ❖ Фуқароларнинг давлат ҳокимияти фаолиятдан қониқишида ижобий ҳолатлар юз берди;
Давлат бошқаруви самарадорлигига эришилганлиги	❖ Давлат ресурслари харажатида Жамоат назорати кўзга ташланди; ❖ Ишлар сифати, қарорларни қабул қилиш амалиётида ҳаққонийликка риоя қилинмоқда; ❖ Давлат хизматларининг самарадорлиги, сифати ва тезкорликлари ошмоқда;
Давлат бошқарувида назорат тизими	❖ Ахборотларни олиш ҳуқуқи таъминланиши давлат сиёсатини назорат қилишга олиб келмоқда; ❖ Давлат бошқарувидаги муаммолар аниқланмоқда; ❖ Ахборот олишда фуқароларнинг тенглиги таъминланмоқда; ❖ Ахборотни мунтазам равишда йиғиш ва ишлов беришга ўтилди; ❖ Сиёсатнинг самарадорлигига таъсир этадиган икки томонлама алоқа пайдо бўлди; ❖ Маъмурий тўсиқлар камайди;
Фуқароларнинг давлат бошқарувида иштироки	❖ Давлат сиёсати масаласида очиқ мулоқот ташкил этилди; ❖ Фуқароларнинг давлат ҳокимияти фаолиятдан қониққанлик даражаси ошди.

1 Журавлева А. Совершенствование механизма открытости деятельности органов исполнительной власти. Автореферат на соискание ученой степени кандидата экономических наук. М.: Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации, 2013.

- тизимда давр ўзгаришларини тушунмаслик, консерватизм ва таваккалчилик психологияси сақланиб қолганлиги.

Ижро ҳоқимияти органлари ҳаолияти очиклиги механизми ишлашига қуйидаги омиллар ҳалақит бермоқда:

- давлат органлари ва бизнес тузилмаларнинг жамоатчилик билан мураккаб таъсир алоқалари шакллангани;
- ижро ҳоқимияти органларида амалга оширилган ишлар ва якуний натижалар ўртасида фарқнинг ошаётганлиги;
- ижро ҳоқимияти органлари функциялари кўпайиб бораётгани сабабли бу кўптармоқли ҳаолиятни қамраб олиш имконининг пасайиб кетаётгани.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ижро ҳоқимияти органлари ҳаолияти очиклигининг кучли ва заиф томонларини аниқлаш ҳамда бугунги шароит тақозосига кўра, уни янада такомиллаштириш бўйича бир қатор аниқ чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Бу борада кучли томонлар:

- ижро ҳоқимияти органи ҳаолияти очиклигини амалга оширишга оид концептуал база бошқа норматив базаларга нисбатан анча етарли миқдорда яратилган;
- бизнес ва фуқароларга давлатнинг иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичлари ҳамда жамиятдаги ислохотлар жараёнини назорат қилиш имконияти берилган.

Масаланинг заиф томонлари ушбулар:

- давлат хизматчиларининг қонун талабларини бузганлиги учун жавобгарликка тортилиши ишлаб чиқилмагани ишнинг самарасига салбий таъсир ўтказди;
- мазкур қонуннинг тўлиқ назорати учун масъул бўлган ваколатли орган ва назорат механизмлари кўрсатилмаган;
- қонунда кўрсатиб ўтилган ҳаволаки нормаларни ишлаб чиқиш ишлари охирига етказилмаган.

2-ЖАДВАЛ

Маъмурий тўсиқлар мавжудлиги тўғрисида сўровнома

Босқич т/р	Масала	Кўрсаткич аҳамияти (балл ва абсолют кўрсаткичга қараб)
<i>I. Умумий қоидалар</i>		
1.	Давлат хизматлари номи (функцияси)	
2.	Хизматни амалга оширувчи давлат ҳокимияти (функцияни бажарувчи)	
3.	Регион (шаҳар)	
<i>II. Маъмурий процедуралар сони</i>		
1 босқич	Процедура тавсифи	
2 босқич	Процедура тавсифи	
<i>III. Маъмурий процедуралар бажарилиши муддати</i>		
1 босқич	Процедура тавсифи	
2 босқич	Процедура тавсифи	
<i>IV. Маъмурий процедуралар нархи</i>		
1 босқич	Процедура тавсифи	
2 босқич	Процедура тавсифи	

3-ЖАДВАЛ

Ижро ҳокимияти фаолиятининг очиқлигини баҳолаш механизми

Ташқи баҳолаш механизми	Ички баҳолаш механизми
❖ жамоатчилик фикри ва ўзлаштириш кўрсаткичи асосида	❖ ижро ҳокимияти органларида очиқлик тизимини яратишга сарфланган маблағ назорати; ❖ рағбатлантириш тизими, яъни мазкур ишни зиммасига олган ходимнинг масъуллиги; ❖ мансаб регламенти ижросини баҳолаш ва бошқалар.

Шу ўринда, ижро ҳокимияти органлари фаолияти очиқлиги механизмларини такомиллаштиришга оид қуйидагилар таклиф этилади:

1) Норматив-ҳуқуқий базани янада оптималлаштириш, тартибга солиш.

2) Соҳага оид маъмурий тўсиқлар ҳақида ахборотни тўплаш, уни таҳлил этиш ва бартараф этиш бўйича таклифларни тайёрлаш.

3) Ижро ҳокимияти органларида фуқаролар, бизнес тузилма ва назорат этувчи органлар билан алоқаларнинг ҳолати бўйича ахборот-таҳлил материалларини мунтазам тайёрлаб бориш.

Ижро ҳокимияти органлари фаолияти очиқлигини баҳолаш 4-жадвалда алоҳида кўрсатиб ўтилган.

«Ҳар бир туман (шаҳар)да жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича «Халқ қабулхоналари»ни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш».

Ҳаракатлар стратегияси, 45-банд.

4-ЖАДВАЛ

Ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлигини баҳолаш кўрсаткичлари

Кўрсаткични таъминловчи омиллар	Ижро ҳокимияти органи фаолияти очиқлиги кўрсаткичи
1. Берилган ахборотнинг ижро ҳокимияти органи функцияларига мослиги. 2. Ижро ҳокимияти органи истеъмолчи (фуқаро)га зарур яқиний ахборотни топиши учун интернет порталига кирувчилар сони. 3. Ахборотни қидириш учун кетган вақт. 4. Веб-сайтнинг унифицификация этилгани. 5. Ахборотни тақдим этиш муддатининг Регламент талабларига мувофиқ келиши. 6. Ижро ҳокимияти органи фаолияти очиқлигини яхши таъминлаган давлат хизматчисининг рағбатлантирилиши. 7. Ҳокимият ва сўров киритган фуқаролар ўртасидаги муносабатларнинг динамикаси.	1. Фуқаронинг ижро ҳокимияти органи очиқлигига оид олинган ахборотдан қониқиши даражаси (<i>истеъмолчининг қониққанлиги ёки қониқмаганлиги</i>). 2. Ижро ҳокимияти органининг фуқарога ва ташқи алоқада турганларга таъсир этиш даражаси. 3. Давлат органининг босма нашрлар ва интернетда берилган воқеага изоҳ беришни рад этиши. 4. Олинган ахборотнинг тўлақонлилиги. 5. Баҳсларга сабаб бўлган Қонунларнинг жамоат ўртасидаги муҳокамаси. 6. Босма нашрлар ва интернетда ҳудуддаги ижтимоий аҳамиятга молик муаммолар муҳокамасида фуқароларнинг иштирок этиши. 7. Шикоятлар сони.

ҲАВОЛА

Давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги мониторингини олиб бориш ва баҳолаш методикаси

Мақсади

ДХБО фаолияти очиқлигидан жамоатчиликни хабардор қилиш, қарорлардан аҳолининг кенг фойдаланишини таъминлаш

Қонунда белгиланган очиқлик тамойиллари ва механизмларини бажариш натижалари

Ишчи органи

Ҳисобот

ДХБО фаолиятининг очиқлигини таъминлаш фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш бўйича Жамоатчилик кенгаши

Жамоатчилик кенгаши мониторинг яқунлари асосида йилига икки марта Вазирлар Маҳкамасига таҳлилий ҳисоботни тақдим қилади

Предмети

ҲАВОЛА

Давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида ахборот йиғишнинг усуллари:



Эксперт баҳолаш

Очиқлик тамойиллари, вазифаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан фаолиятнинг амалда мувофиқ келиши



Сўров

Телефон, АКТ ва ОАВда электрон анкеталарни олиб тўлдириш



Ҳисоботлар

ДХБО фаолияти очиқлиги бўйича юборилган ҳисоботлар ва тадқиқот натижалари



Маълумотлар

Давлат органлари тақдим қиладиган маълумотлар

ҲАВОЛА

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини баҳолаш параметрлари:

1

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга масъул бўлган субъектларни баҳолаш

- ❖ раҳбар – 16 балл
- ❖ ахборот хизмати – 10 балл

2

Очиқликни таъминлашнинг аниқ усуллари самарадорлиги

- ❖ расмий веб-сайтларнинг юритилиши – 29 балл
- ❖ ахборот стендлари ва шу мақсад учун мўлжалланган бошқа техник воситалар билан безатилиши – 12 балл
- ❖ ахборот олиш учун сўровларнинг кўриб чиқилиши – 8 балл
- ❖ ахборотдан фойдаланувчиларнинг ДХБО очиқ ҳайъат мажлисларида ҳозир бўлиши – 6 балл
- ❖ ахборотнинг ахборот-кутубхона ва архив фондларига юборилиши – 4 балл

3

Фойдаланувчиларнинг қониқиш даражаси

- ❖ Ижтимоий сўровномалар ўтказилиши – 15 балл

ҲАВОЛА

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигининг мониторингини олиб бориш ва баҳолаш методикаси параметрлари

Очиқлик мезонлари:

1

Раҳбар

5

Ахборот олиш учун
сўровларнинг кўриб чиқиши

2

Ахборот хизмати

6

Ахборотдан фойдаланувчи-
ларнинг ДҲБОнинг очиқ
ҳайъат мажлисларида ҳозир
бўлиши

3

Расмий веб-сайтнинг
юрителиши

7

Ахборотнинг ахборот-кутуб-
хона ва архив фондларига
юборилиши

4

Ахборот стендлари ва шу
мақсад учун мўлжалланган
бошқа техник воситаларнинг
безатилиши

8

Фойдаланувчиларнинг қониқиши
даражасини баҳолаш

2.2. АХБОРОТ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ- НИНГ ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАҲОРАТИ

Вазирлик, идора, ҳокимлик тизимидаги ахборот хизматининг (АХ) асосий вазифалари норматив ҳужжатларда қуйидагича белгиланган²:

- Идора раҳбарияти томонидан белгиланадиган ахборот сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда қатнашиш;
- Идора фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ОАВда эълон қилинишини таъминлаш;
- Миллий ва хорижий ОАВда идора фаолиятининг долзарб жиҳатларини, тегишли соҳадаги ягона давлат сиёсатини амалга оширишга эришиш;
- Интернет тармоғида идора веб-ресурсларини ва уларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш;
- Идорага нисбатан ижтимоий фикрнинг аҳволини ҳамда маҳаллий, республика ва хорижий ОАВ муносабатини таҳлил қилган ҳолда улар тўғрисида раҳбарни хабардор қилиш.

Булардан ташқари, АХ турли оммавий тадбирларни ташкил этиш, ахборот хабарларини (пресс-релиз, бюллетен ва ҳоказоларни) тарқатиш, ДХБО нинг веб-сайтида уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни жойлаштириш ва янгилаб бориш чора-тадбирларини ҳам кўради.

Албатта, бу вазифаларнинг тезкор, сифатли адо этилиши АХ раҳбарининг профессионал маҳорати, билим ва тажрибасига боғлиқ кечади

Одатда, бундай лавозимга етук журналистлар, филологлар, тарихчилар ва фаол ижодкорлар жалб этилади. Аммо аҳолининг ҳуқуқий билими ва сиёсий маданият даражаси замон талабидан орқада қолаётганини очиқ таъкидлашга тўғри келади.

² Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрдаги 203-сон қарори

ҲАВОЛА

Ахборот хизматининг йиллик тахминий режаси



Ҳуқуқий маданиятни шакллантириш соҳасидаги давлат сиёсати ушбу муҳим принципларга асосланади:

- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги, Конституция ва қонуннинг устунлиги;
- демократияга асосланганлик;
- ижтимоий адолат, илмийлик, ўзлуксизлик;
- ҳуқуқий ворислик ҳамда умумийлик;

- ҳуқуқий ахборотнинг ҳамма учун очиқлиги;
- ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маорифнинг бирлиги ҳамда уларга табақалаштирилган ёндашув мавжудлиги.

Шуни аниқ билишимиз керакки, «Инсон — давлат — жамият» муносабатларида устуворлик инсонга тегишли бўлади. Яъни, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг фаолияти асосан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилиши лозим.

Ҳуқуқий онг даражаси, бу — одамларнинг ҳуқуқлардан шунчаки хабардорлиги, қонунларни билишигина эмас, балки аввало, қонун ва қоидаларга риоя этиши, уларни бажаришга тайёрлиги, қонунга итоати, ҳуқуқни ва одил судловни ҳурмат қилишидир.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда касаба уюшмалари, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари муҳим ўринни эгаллайди. Улар ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбиянинг турли шаклларида янада самарали фойдаланиб, фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини кучайтиришга ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Нега Европада демократия ва қонунчиликни яхши билган аҳоли ҳақ-ҳуқуқлари топталганда, биринчи навбатда ҳокимиятга эмас, судга мурожаат этади?

Бизнинг фикримизча, жамоат бирлашмалари аҳолининг турли ижтимоий гуруҳларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга, жамоатчилик юридик маслаҳатхоналарини ташкил этишга, инсон ҳуқуқлари, ижтимоий муаммолар, пенсия таъминоти, никоҳ-оила муносабатларига оид қонунлар тўпламларини нашр этишга, юридик маълумотномалар, шунингдек, турли касбдаги ходимларга мўлжалланган ил-

мий-оммабоп ҳуқуқий адабиётлар чиқаришга алоҳида эътибор қаратишса, бу борада сезиларли силжишлар кўзга ташланиб қоларди.

Афсуски, бугунги кунда долзарб мавзудаги китобларнинг тарғиботи тизими йўлга қўйилмаган. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва ҳуқуқий онгини оширишга бевосита ҳамда муттасил ижобий таъсир

кўрсатиш имкониятлари маҳалла тизимида жуда кенг, чунончи ушбу соҳада ишлайдиган тажрибали мутахассислар ҳам яшайди.

Қонун ҳужжатларининг қўлланиш амалиёти шуни яққол кўрсатадики, талайгина ҳуқуқбузарликлар, жумладан мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилиши ҳоллари ҳуқуқий билимнинг етарли эмаслиги, ҳуқуқий маданият даражаси пастлиги оқибатида келиб чиқмоқда. Айнан шу сабабли ҳуқуқлари бузилган фуқаролар ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган механизми – мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан судга шикоят қилиш имкониятидан камдан-кам фойдаланадилар.

Давлатимиз раҳбарининг олдимизга қўйган муҳим вазифа шуки: ҳуқуқни писанд қилмасликка барҳам бериш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ахборотни олиш ва фойдаланиш имкониятини амалда таъминлаш керак.

Вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар тизимида ишлайдиган ходимлар малакасини ошириш табақалаштирилган бўлмоғи мақсадга мувофиқ. Авваламбор, ҳар бир давлат хизматчиси, ҳар бир фуқаро касбий тайёргарлигини янада оширишга интилиши даркор. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, уларнинг таркибий бўлинмалари раҳбарларига қўйиладиган талаблар ва тавсифномалар, даставвал инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид ҳуқуқий билимларни эгаллаганлигини назарда тутиши лозим.

Ҳар қандай давлатнинг қиёфаси, юзи, обрў-эътибори унинг Конституциясида мужассам. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, ўзи ҳам, қалқони ҳам қонундир».

Энди масаланинг моҳиятига тўхталиб ўтамиз. Муаммо шундаки, мамлакатда фуқаро ҳуқуқий маданиятини оширмасдан, сиёсий диди ва фаоллигини кўтармасдан қонун ижросини таъминлаш қийин кечаверади. Чунки ДХБОнинг жаъмики чора-тадбирлари фақат фуқароларнинг фаол иштироки билан амалга ошади. Шу сабабли фақат жамоатчилик тузилмалари

фаолиятини кучайтириш орқали қонунларни рўёбга чиқаришнинг таъсирчан механизмини яратиш мумкин бўлади.

Биз қуришга киришган фуқаролик жамиятини шакллантириш механизми халқаро даражада ва республикада қабул қилинган тегишли ҳужжатларда аниқ белгилаб қўйилган. Яъни:

1. Давлатнинг иқтисодий соҳага, ҳўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи навбатда, хўсусий секторнинг фаолиятига аралашувини чеклаш;
2. Қонунлар ижроси бўйича давлат ҳокимияти органлари ўстидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримов давлат назорат функцияларига нисбатан жамоатчилик назорати афзалроқ ва муҳимроқ эканига тўхталиб, бундай деган эди: «Биз давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтирсак, назорат билан шўғулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кўпайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шўнинг ўчўн биз жамоатчилик назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим».

Миллий қонунчилигимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва касаба ўюшмалари тизимининг **28 йўналишда жамоатчилик назоратини амалга ошириши кўзда тутилган**. Аммо, минг афсўски, ҳозирча зикр этилган жамоатчилик ташкилотлари ўзларининг назорат қилиш имкониятидан ўнўмли фойдалана олмаяпти.

Юртбошимиз иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сесиясида шўндай фикрларни ўртага ташлаган эди: *«ҳозирги кўнда ҳар бир фуқаро: ўз ҳақ-ҳўқўқини танийдиган бўлсин, бўнинг ўчўн курашсин; ўз кўчи ва имкониятларига таянадиган бўлсин, имкониятларини ишга солиб, самарасини кўрсин; атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билдира олсин; шахсий манфаатини мамлакат ва халқ манфаати билан ўйўн ҳолда кўриб, фаолият юритсин»*³.

Ана шў сифатлар ва хислатлар Ўзбекистонда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг ҳаётий шиори бўлиб қолишини жўда хоҳлаймиз.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 2000, 232–233-бетлар.

3 ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИДА ОЧИҚЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АНИҚ УСУЛЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ

3.1. ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИДА ВЕБ-САЙТЛАРНИНГ ЮРИТИЛИШИ

Демократик жараёнлар ривожини бошқарув органлари фаолиятининг самарадорлигига қандай таъсир кўрсатди, деган савол туғилади. Айниқса, интернетнинг ҳаётимизга кириб келиши ва у билан боғлиқ ихтиролар яратилиши давлат ва жамият ўйғунлигига тўртки бериб, ҳамкорликда ишлашига имкон яратди. Тарихга мурожаат қилсак, 1941 йилда германиялик Конрад Цузе Z1 модели компьютерни, 1973 йилда «Моторола» компанияси бош инженери Мартин Купер мобил телефонни (ҳозирда дунёдаги 5,0 млрд. киши, Ўзбекистонда 19,0 млн. киши бу телефонни ишлатади) ихтиро қилиши тарихий воқеага айланди. 1989 йилда АҚШлик Бернерс Ли жаҳон ўргимчак тўри – интернетни ихтиро қилганидан кейин жаҳон мамлакатлари локал алоқадан глобал алоқага киришишдек улкан босқичга қадам қўйди. Айни пайтда дунёнинг 2,2 млрд аҳолиси интернет хизматидан фойдаланади. Мазкур ихтиролар, албатта, ўртадаги узоқ масофани яқинлаштирди.

Шундай қилиб, халқаро интеграциялашув Ғарбнинг Шарқ мамлакатларига таъсир кўрсатиш имконини ўн бароварга тезлаштирди.

Демократия, модернизация ривожини ҳамда жамиятда очиқлик принципи эҳтиёжнинг ошишига **иккинчи сабаб** – 1980 йилларда глобаллашув чегараларини ёриб ўтиб, айрим кучсиз давлатларнинг ички ишларига аралаша бошлаган даврдан бошланди.

Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)нинг ҳаётимизга дадил кириб келиб одамларнинг дунёқараши ва турмуш тарзини ўзгартириб юборгани учинчи муҳим омил ҳисобланади.

«Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда давлат хизматчилари ўртасида сансалорлик ва масъулиятсизлик ҳолатларига бутунлай барҳам бериш учун биз қатъий кураш олиб борамиз».

Шавкат Мирзиёев

Хусусан, АКТнинг ўрнини алоҳида тилга олиб ўтиш лозим. Илмий таҳлилларга кўра, АКТнинг афзаллик тарафлари қуйидагилар билан изоҳланади:

1. Акт ижро ҳокимиятини тезкор, интерактив ишлашга ўргатди;
2. У бир томондан ДХБОНинг нормал фаолият олиб боришига, иккинчи томондан фуқароларнинг давлат сиёсатининг амалда бажарилишини ўз кўзлари билан кўришига (интернет, телерадио, газета) олиб келди;
3. Давлат хизматларининг сифати анча ошди (mi.gov.uz, Ягона дарча, raynet ва ҳ.к.), фуқароларнинг ахборотдан хабардорлиги кўпайди;
4. АКТ муҳим соҳаларга кириб келганидан кейин давлатнинг олдинги йиллардаги «қизиқиш» доираси ва категорияси ижобий тарафга ўзгарди. Ҳокимият тизими билан фуқаролар ўртасида технологик алоқалар ривожланди.
5. Ахборот технологиялари давлат аппаратининг фундаментал функциялар билан шуғулланишига тўртки берди.

Бугунги кунда ижро ҳокимияти қуйидаги технологик жараёнларни бошидан кечирмоқда.

Назарий даражада: ахборот – бошқарув ресурси эканлиги англаниб, у – инсоннинг моддий бойлигига айланишга ўлғурди.

Техник даражада: ҳокимиятнинг ягона маълумотлар банки яратилди, ҳужжатларнинг айланиши компьютерлашди, маъмурий фаолият кўпроқ технологик асосга кўчди ва бошқарувнинг ишлаш механизми замонавийлашди.

Ташкилот даражасида: ахборот менежменти – бир вақтнинг ўзида кўплаб вазифаларни АТ ёрдамида бошқарадиган кадрларга эҳтиёж кучайди.

Давлат даражасида: ахборотларни чуқур таҳлил қилиш ва қайта ишлаш имконияти вужудга келди. Ижро ҳокимияти органлари функцияларининг миқдори ошиши билан бирга, компьютер тизими ҳам такомиллашиб борди.

Француз олими Г. Мэль ибораси билан айтганда, «**XXI асрга келиб давлат ва унинг ижро ҳокимияти структураси ахборотни тўплаш ва ишлов бериш билан шуғулланувчи «ахборот машинаси» га айланди.**».

Ҳозирги пайтда компьютер дастурлари иш юритиш, ахборотлаштириш, фуқароларга консультация беришдек учта функцияни бажаришни уддаламоқда.

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасида расмий веб-сайтларга шундай таъриф берилади: *«Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ушбу органларга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга тегишли бўлган ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган расмий веб-сайт сифатида идентификация қилинадиган, ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ресурсдир».*

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги 355-сон қарорига биноан, веб-сайтларда қуйидагилар мажбурий жойлаштирилиб борилиши лозим:

- ДХБОнинг раҳбарлари тўғрисидаги маълумотнома тарзидаги ахборот (биографик маълумотлар, фуқароларни қабул қилиш кунлари ва ҳоказо);

- ДХБО таркибий ва ҳудудий бўлинмаларининг иш тартиби тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг телефон рақамлари ҳамда почта манзиллари, электрон почта манзиллари, маълумот хизмати ва ишонч телефонлари рақамлари, жамоат транспорти қатнов йўллари, тўхташ жойларининг номлари ва йўналиш рақамлари;

- ДХБО раҳбарлари, шунингдек ушбу органлар томонидан ваколат берилган мансабдор шахслар чиқишлари ҳамда баёнотларининг матнлари;

- ДХБО ҳузурида ОАВ вакилларини аккредитация қилиш тартиби тўғрисидаги ахборот;

- Давлат хизматларининг рўйхати;
- ДХБО фаолияти тўғрисидаги таҳлилий маърузалар ва ахборот кўринишидаги шарҳлар;
- аризаларни, таклифларни, шикоятларни қабул қилиш тартиби тўғрисида ахборот;
- ДХБОнинг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровларни қабул қилиш тартиби ҳақидаги ахборот;

ҲАВОЛА

САЙТЛАР МОНИТОРИНГИ ТУРЛАРИ

Халқ рейтинг	халқ рейтинг модули ишлари
Экспертлар рейтинг норматив ҳуқуқий актлар (НҲА)га мос келишини аниқлайди	У расмий сайтлар мониторингини амалга оширган камида учта экспертнинг тўлдирган анкеталарига асосланади
Техник рейтинг	расмий сайтлар ишини автоматик текширган техник характе- ристика натижалари
Очиқ маълумотлар рейтинг	расмий сайтда эълон қилинган техник ва экспертлар мони- торинги натижалари
БМТ мезонлари бўйича рейтинг	БМТ баҳолаш учун тақдим этган E-government development index (EGDI) эксперт мониторинги мезонлари
Кирувчилар рейтинг	расмий сайт web-ресурсига кирган фойдаланувчиларнинг мониторинги натижалари
Сайт кураторлари рейтинг	расмий сайтни такомиллаштиришга биркирилган шахслар мониторинги хулосалари

● келиб тушган аризалар, таклифлар, шикоятларни, шунингдек ДХБОнинг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровларни кўриб чиқишнинг умумий натижалари ҳақидаги ахборот.

Демак, вазирлик ва ҳокимликда веб-сайтларни юритувчи ходимлар олдида катта миқёсдаги вазифалар кўндаланг турибди. Булардан ташқари, расмий веб-сайтларда уларнинг фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборотлар ҳам давлат тилида жойлаштирилади. Расмий веб-сайт бошқа тиллардаги шаклларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Ахборотнинг санаси қўйилган бўлиши ҳамда у вақти-вақти билан янгиланган борилиши, унинг янгиланган бориш даврийлиги ҳафтасига бир мартадан кам бўлмаслиги керак.

Бу ахборот ишончли бўлиши билан бирга, ОАВда эълон қилинадиган ахборот билан тенг кучга эга.

Ижро ҳокимияти органларининг расмий сайтларини баҳолаш техник мониторингидан кўзланган мақсад – Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун-чилигига биноан, ахборот очиқлиги даражасини уларнинг сони ва сифати асосида аниқлаш, фуқароларни ҳар томонлама тўлақонли ва ишончли ахборот билан таъминлашдан иборат.

Расмий веб-сайтларга қўйилган ахборот манбалари халқ учун фойдали, ишончли, тушунарли ва тўлиқ бўлса, ҳокимият билан фуқаро алоқасида ишонч, умид кучаяди, аҳоли эса бошқарув ишларида фаол иштирок этади.

Техник мониторинг вазифалари:

1. Расмий сайтнинг техник характеристикасини ўрганиш;
2. Турли муҳим параметр, мезонлар ва алоҳида аҳамиятига қараб, сайтни тартибга келтириш;
3. Расмий сайтнинг техник характеристикасига оид таклифларни шакллантириш.

Таҳлилларимизга кўра, сўнгги йилларда ҳокимиятнинг веб-сайтларида қуйидаги ахборотларга эҳтиёж ошиб бормоқда:

ҲАВОЛА

Мониторинг предмети

- ❖ Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятига оид норматив ҳуқуқий актлар (НҲА)да кўзда тутилган қоидалар;
- ❖ ДХБО расмий сайтларига оид НҲАда кўрсатилган технологик, дастурий, лингвистик талаблар;
- ❖ ДХБО расмий сайтларидан фойдаланиш қобилияти.

Мониторинг объекти

- ❖ ДХБОнинг расмий сайтлари.

Мониторинг принциплари

- ❖ Объективлик.
- ❖ Ҳаққонийлик.

Мониторинг методлари

- ❖ фойдаланувчиларнинг фикрлари ва сўровлари;
- ❖ эксперт хулосалари таҳлили;
- ❖ техник характеристикаларни автоматик ишлов бериш таҳлиллари;
- ❖ кировчилар рейтинги таҳлили.

1. Давлат хизматлари;
2. Қарорлар қабул қилишда иштирок этиш;
3. Давлат институтларидаги иш усулларида хабардор бўлиш;
4. Турли маълумотлар.

ҲАВОЛА

Экспертлар рейтинги параметрлари:

1. Умумий ахборот

- ❖ Давлат органи (ДО)нинг тўлиқ номи
- ❖ ДО қисқа номланиши
- ❖ ДО почта манзили
- ❖ ДО электрон манзили
- ❖ ДО маълумотлар хизмати телефони

3. Раҳбар тўғрисида ахборот

- ❖ ДО раҳбари ва ўринбосарларининг фамилияси ва исми ҳақида ахборот
- ❖ ДО бўлим раҳбарларининг фамилияси ва исми ҳақида ахборот
- ❖ ДО раҳбарияти тўғрисида қисқа ахборот (маълумоти, олдин ишлаган жойи)
- ❖ Қабул кунлари графиги
- ❖ Раҳбариятнинг электрон манзиллари
- ❖ Раҳбарият телефон номерлари

2. Ваколати ва тузилмаси ҳақида ахборот

- ❖ ДО ваколатлари
- ❖ ДО ваколатлари кўрсатилган норматив-ҳуқуқий актлар (НҲА)
- ❖ Ижро ҳоқимияти тузилмаси ва схемаси
- ❖ Тузилмага кирган қўйи органлар (туман) вазифаси ва функциялари
- ❖ ДО ички сиёсатини белгилаган НҲА
- ❖ ДО ички тузилмасини белгилаган НҲА
- ❖ ДО барча бўлимлари Низомлари тасдиқланган НҲА тексти

4. Ахборот тизимлари ҳақида ахборот

- ❖ ДО, қўйи органлар тасарруфидаги давлат ахборот тизимлари рўйхати
- ❖ Манфаатдор шахсларнинг ДО ахборот тизимига кириш шартлари ва тартиби йўриқномаси
- ❖ ДО ахборот тизимига кириш тарифлари ҳақида ахборот
- ❖ ДО ахборот тизимини яратиш, юриштишга оид НҲА
- ❖ ДО ахборот тизимига ҳавола бериш шартлари

Ҳозирги кунда веб-сайтларни баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган. Булар жойларда бўлиб ўтадиган амалий семинарлар пайтида кўриб чиқилади. Шуниси муҳимки, мониторинг якунига кўра, мазкур фаолият учун максимал 29 балл қўйилиши кўрсатиб ўтилган. Чунки уларга 29 турдаги ахборотни жойлаштириш ва назорат қилиш вазифаси юкланган.

Сиз мазкур саволларга жавоб изланг:

1. Ахборотларни жойлаштириш қандай йўлга қўйилган? (бандма-банд текширув).
2. Давлат хизматлари (қонуннинг 18-моддаси) рўйхати борми? Уларга сўровларнинг қайд этилиши.
3. Сўровларни кўриб чиқиш умумий ҳолатини изоҳланг (22-модда)
4. Он-лайн хизмати мавжудлиги (28-модда).
5. Ахборот ресурслари текшириб туриладими? Қандай қилиб?
6. Қидирув, тега (калит сўзлар) берилганми?

ҲАВОЛА

Вилоят ҳокимликларида ташкил этилган Интернет-порталларнинг функциялари

Ахборотни излаш
ва топиш

Ижро ҳокимияти билан
фуқаролар ўртасида алоқани
юқори даражада ташкил этиш

ФЖИ, жамоат ташкилотлари-
да ижро ҳокимияти томонидан
уюштирилган тадбирларни
кенг ёритиш

Жамоатчиликка сифатли хиз-
матлар кўрсатиш

7. *Жамоатчилик томонидан лойиҳалар муҳокамаси бўладими?*
8. *План-графиклар (турли соҳалар) жойлашганми?*
9. *Давлат хизматларига оид таклиф, шикоятлар қайд этилганми?*
10. *Веб-сайт ишини такомиллаштириш бўйича таклифларингиз?*

3.2.ДҲБО РАҲБАРИНИНГ ОЧИҚЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАҚИДАГИ ҚАРОРЛАРИНИ АХБОРОТ СЕНДЛАРИДА ЖОЙЛАШТИРИШ

Мазкур масала ҳам очиқликни таъминлашда муҳим тарғибот қуроли ҳисобланади. Жумладан, Қонуннинг 14-моддасида ДҲБОда ахборотни ҳамма кириши мумкин бўлган хоналар ва жойларга жойлаштириш тартиби аниқ белгиланган. Буларни бирма-бир санаб ўтаемиз:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати;
- иш тартиби, маълумот хизмати телефонлари, ишонч телефонлари рақамлари;
- очиқ ҳайъат мажлислари тўғрисидаги ахборот;
- аризаларни, таклифларни ва шикоятларни қабул қилиш тартиби;
- ахборот олишга доир сўровни қабул қилиш тартиби;
- давлат хизматлари рўйхати;
- бошқа ахборотлар.

Учинчи боб бўйича тавсиялар:

- Электрон имзо, электрон тижорат, электрон ҳукумат ҳақидаги қонун талаблари ва қоидаларини кенг аҳоли ўртасида тушунтириш;
- Биринчи навбатда электрон имзога доир ишларни фаоллаштириш;
- Хизматлар, маҳсулотлар ва фаолиятларни стандартлаштириш;

- ДХБО фаолиятига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини такомиллаштириш, ҳар йили уларни инвентаризациядан ўтказиш (ЎзР Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги тажрибасини ўрганиш);
- Мансабдор шахслар, фуқароларнинг сиёсий онги ва сиёсий маданиятини кўтариш.

ҲАВОЛА

Ҳукумат томонидан очилган «Фуқаролар учун Британия тармоқ портали» барча ахборот ва хизматларни кўрсатишни ўз зиммасига олган. 2001 йилда ташкил этилган бу тармоққа кунига тахминан 100-125 минг киши кириб туради



Ҳукумат портали 2004 йилда тўлиқ ишга туширилган. У барча давлат бошқарув органлари фаолиятини мувофиқлаштириб турибди

Бундай ахборот билан таъминлаш портали 2012 йилдан бери ишламоқда



4

ДАВЛАТ ОРГАНИГА АХБОРОТ ОЛУВЧИЛАРДАН КЕЛИБ ТУШГАН СЎРОВЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

4.1. СЎРОВ ТУРЛАРИ

ДХБОга келиб тушган сўровларни кўриб чиқишда Қонуннинг 4-моддаси шартларининг бажарилиши асосий роль ўйнашини таъкидламоқчимиз. Яъни, «улар томонидан тақдим этиладиган ахборотдан ҳамманинг фойдаланиши мумкинлиги, унинг ўз вақтида берилиши ва *ишончилиги*; улар фаолиятининг *ошкоралиги ва шаффофлиги*; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги *ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги*» таъминланиши даркор.

Қонуннинг 16-моддасида ДХБО очиқ ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши учун шароитлар яратиш айтиб ўтилган. Шу мақсадда 2015 йил 25 ноябрда Адлия вазирлиги томонидан Намунавий низом тасдиқланди. Унга Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори имзо чеккан.

Ушбу Низомнинг 6-бандига кўра, ахборотдан фойдаланувчи ДХБОга сўров билан мурожаат қилади. Сўров қонуннинг 20-моддасида белгиланган талабларга мувофиқ расмийлаштирилади.

Сўров келиб тушган кунини у тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи томонидан алоҳида махсус журналда рўйхатга олинади ва зудлик билан кўриб чиқилади. Мазкур журнал ҳайъат масъул котиби томонидан юритилади.

Сўровга асосан ҳайъат масъул котиби ахборотдан фойдаланувчини очиқ ҳайъат мажлисида иштирок этувчилар рўйхатига киритади ҳамда бу

ҳақда ахборотдан фойдаланувчига маълум қилади. Очиқ ҳайъат мажлисининг ўтказилиш санаси, вақти ёки жойи ўзгарган тақдирда, бу ҳақда ахборотдан фойдаланувчига маълум қилинади.

ДХБО ўз имконияти ва ахборотдан фойдаланувчиларнинг сонидан келиб чиқиб, очиқ ҳайъат мажлиси ўтказиладиган залда ахборотдан фойдаланувчилар учун жой тайёрлайди. Ахборотдан фойдаланувчилар очиқ ҳайъат мажлиси ўтказиладиган залга махсус журналдаги қайд этиш кетма-кетлиги асосида жойлаштирилади.

Ахборотдан фойдаланувчилар сонининг кўплиги сабабли, уларни очиқ ҳайъат мажлиси ўтказиладиган залга жойлаштириш имкони бўлмаган тақдирда, улар очиқ ҳайъат мажлисининг боришини видео тасвир орқали монеликсиз кузатиб боришлари мумкин бўлган хонага жойлаштирилади.

Очиқ ҳайъат мажлисининг боришини видеотасвир орқали монеликсиз кузатиб бориш учун алоҳида хона жиҳозлаб қўйилади.

Раислик қилувчи томонидан мажлис бошланганлиги эълон қилингандан сўнг кечикиб келганлар ҳайъат мажлисига қўйилмайди.

Ахборотдан фойдаланувчи тегишли ДХБО томонидан тасдиқланган очиқ ҳайъат мажлисининг регламентига мувофиқ белгиланган тартибда мажлисда ҳайъат аъзоларига саволлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аммо ахборотдан фойдаланувчи ҳайъат мажлиси ўтказиладиган вақтда тартибни бузмаслиги шарт. У мажлис давомида тартибни бузган тақдирда, раислик қилувчи томонидан огоҳлантирилади.

У тартибни такроран бузган тақдирда, раислик қилувчи томонидан мажлис ўтказиладиган залдан чиқариб юборилади. Мазкур ҳолат юзасидан ҳайъат масъул котиби далолатнома тузади ва далолатнома раислик қилувчи томонидан имзоланади.

Ахборотдан фойдаланувчиларга очиқ ҳайъат мажлисини фотосуратга, видеотасвирга олишга, овоз ёзиш воситаларидан фойдаланишга рухсат берилмайди.

Ҳайъат мажлиси баённомасида очиқ ҳайъат мажлисларида ҳозир бўлган ахборотдан фойдаланувчиларнинг иштироки ҳақида тегишли маълумотлар кўрсатилиши лозим.

Мазкур Намунавий низом Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган.

4.2. ОАВ ВАКИЛЛАРИНИ АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ

Аккредитация – мухбирнинг ваколатларини давлат ҳоқимияти органлари томонидан эътироф этиш тартиби бўлиб, унинг натижаларига кўра аккредитация қиладиган орган ўз фаолиятини ОАВда ёритиш учун ОАВ вакилининг шу соҳани билишини тасдиқловчи аккредитация қилиш тўғрисидаги гувоҳнома беради.

Аккредитация қилувчи орган – аккредитация тартибини ташкил этадиган, аккредитацияни ўтказадиган вакиллик ва ижро этувчи ҳоқимият органларидир.

ДХБО ОАВ вакилларини белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказди (17-модда). ОАВ нинг аккредитация қилинган вакиллари қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

- бўлиб ўтадиган очиқ ҳайъат мажлислари ва бошқа оммавий тадбирлар тўғрисида олдиндан ахборот олиш;
- аккредитация қилувчи органнинг биноларига (хоналарига) ва бошқа объектларига аккредитация қилувчи орган томонидан белгиланган тартибда кириш;
- очиқ ҳайъат мажлисларида ва бошқа оммавий тадбирларда ҳозир бўлиш;
- аккредитация қилувчи органнинг масъул шахсларидан зарур ҳужжатлар ва материалларни сўраш ҳамда олиш, оммавий тадбирларнинг ёзувлари билан танишиш ҳамда улардан кўчирма нусхаларни олиш;
- олинган ёзувлардан ОАВ материалларини тайёрлашда фойдаланиш;

Ахборотни ахборот-кутубхона ва архив фондларига тарқатиш

Мазкур масала вазирлик, идоралар ва вилоят ҳокимликлари билан «Ўзархив» агентлиги ўртасидаги келишувга кўра, давлат, вилоят ва туман архив бўлимлари томонидан амалга оширилади.

4.3. СЎРОВГА ТАЛАБЛАР ВА ЖАВОБГАРЛИК

Фуқароларнинг муурожаатларига жавобларни баҳолаш

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига келиб тушган фуқароларнинг сўровларига қўйиладиган талаблар Қонуннинг 18-моддасида аниқ ёзиб қўйилган.

ДХБО фаолияти тўғрисида сўров (талаб) оғзаки ёки ёзма, шу жумладан, электрон ҳужжат шаклида ҳам бўлиши мумкин.

Қонуннинг 19-моддасида сўровни кўриб чиқиш муддати ва тартиби белгиланган. Яъни:

1. Ахборотдан фойдаланувчининг сўрови рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан кўпи билан **ўн беш кунлик муддатда**;
2. ОАВ ахборот олишга доир, шунингдек мансабдор шахсларнинг интервьюсини ташкил этиш тўғрисидаги сўрови кўпи билан **етти кунлик муддатда** кўриб чиқилади.

Агар жавоб бериш ДХБО ваколатларига кирмаса, у **уч иш кун** ичида тегишли органга юборилиб, бу ҳақда хабардор қилинади.

Расмий нашрларда, ОАВда эълон қилинган (чоп этилган) ёхуд расмий веб-сайтларда жойлаштирилган ахборот сўралганда ДХБО жавобда сўралаётган ахборот эълон қилинган (чоп этилган) расмий нашрни, ОАВ номини, чиқарилиш санаси ҳамда рақамини ва (ёки) сўралаётган ахборот жойлаштирилган расмий веб-сайтнинг электрон манзилени кўрсатган ҳолда ҳавола берилади.

Агар мазкур органлар ваколатга эга бўлмаса, ахборотдан фойдаланувчига сўров рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан **уч иш кун** ичида тегишли жавоб юборилади.

Сўров рад этилган тақдирда ахборотдан фойдаланувчига асослан-тирилган жавоб берилади.

Қонуннинг 20 моддасида сўровга қўйиладиган талаблар ёзиб қўйилган: *Жисмоний шахснинг* сўровида унинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ва сўровнинг моҳияти баён этилган бўлиши; ***Юридик шахснинг*** сўровида юридик шахснинг тўлиқ фирма номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, сўровнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Ёзма сўровлар ахборотдан фойдаланувчининг шахсий имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Сўровни шахсий имзо билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, у қўшимча равишда тузувчининг ҳам фамилияси, исми, отасининг исми қўйилган ҳолда унинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши даркор.

Ахборотдан фойдаланувчини идентификациялаш имкониятини берадиган маълумотлар кўрсатилмаган сўров аноним ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

Белгиланган тартибларга риоя қилган ҳолда келиб тушган сўров кўриб чиқилиши шарт.

Қонун талабларини бузган айбдор шахсларга қуйидаги маъмурий ва интизом чоралари кўрилиши белгиланган:

Қонун 22-моддасида «давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади», деб ёзиб қўйилган.

Таҳлилларимизга асосланиб, ДХБО фаолияти очиқлигига бўйича келгусида қуйидаги ишларни амалга оширишни таклиф қиламиз:

- 1) Давлат бошқаруви тизими структурасида «Ҳоқимият органлари очиқлиги» бўлимлари ўрин олиши;
- 2) Ҳоқимият органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлайдиган босқичлар сифатига оид янги стандартлар ишлаб чиқилиши;

**3) Ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлигини баҳолай-
диган ички ва ташқи механизмларни вужудга келтириш керак.**

Бугун биз шакллантираётган фуқаролик жамиятининг ажралмас бир қисми сифатида жамоатчилик назоратини янада кучайтиришни ҳаётнинг ўзи талаб қилиб турибди. Ҳаётимизда инсон табиатига тўғри келмайдиган номаъқул эски асоратлар ҳанузгача учраб туришининг сабаби ва бунинг ечими тўғрисида тўхталган Ислом Каримов: «... *агар жамият назоратини ташкил этолмасак, яъни жойларда давлат идоралари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга эришолмасак, бундай нохуш ҳолатларни таг-томири билан тугатишнинг имкони бўлмайди. Бу балога қарши курашнинг бундан бошқа йўли йўқ*»⁴, деб таъкидлаган эди.

Жамоатчилик назорати жамиятда ижтимоий адолатнинг барқарор бўлиши учун шахс, жамият ва давлат алоқаларида муросасизлик, масъулият, тенглик ва адолатнинг тўла амалга ошиши учун хизмат қилувчи асосий воситалардан биридир.

Жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятида тарози палласига қўйилган тош каби тенглик посангиси каби хизмат бажариб, давлат ва жамият алоқаларидаги мувозанатни сақлайди. Бу назорат халқ томонидан амалга ошириладиган назорат бўлиб, унинг хоҳиш-иродасини ифодалайди. Халқ хоҳиш-иродаси эса ҳар қандай жамиятда ягона ва беқиёс қудрат бўлиб қолаверади!

Фуқаролар ва уларнинг ижтимоий гурӯҳлари, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари ва бошқа жамоатчилик органлари бу шарафли ишни амалга оширишга дадил киришиб, жамиятнинг олға босишига кўмаклашиши керак!

Давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг сиёсий жараёнларга муносабатларини **маърифийлаштириш** вақти келди. Бу борада **сиёсий маданият тизими** – сиёсий онг, сиёсий тафаккур, сиёсий ахлоқ, сиёсий мафкура, сиёсий қадрият⁵ ҳақида катта авлод ва ёшларга тушунча бериш олимлар, педагоглар, ижод аҳлининг кундалик долзарб вазифасига айланишини истардик.

⁴ Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўлидир. –Т.: Ўзбекистон, 2003, 26–29-бетлар.

⁵Қаранг.: Отамуратов С. Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш омиллари. –Т.: Ўзбекистон, 2015, 57-бет.

ХУЛОСА ЎРНИДА

«Аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, унинг қонуний талаблари, сўров ва таклифлари амалга ошириш учун аниқ чоралар кўриши мен ўзим учун энг муҳим ва устувор вазифа, деб ҳисоблайман. Энди нафақат ҳукумат, балки мутасадди вазирлик ва идоралар, хўжалик биролашмалари, шунингдек, ҳокимларнинг ҳам бу борадаги фаолияти якунлари бўйича ҳисобот бериш тизими жорий этилади ва шунга қараб уларнинг ишига баҳо берилади», деди Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида. Давлатимиз раҳбари халқнинг куч-қудрати ва имкониятига юқори баҳо бериб, шундай ибратли сўзларни келтириб ўтди: «Ҳаммамиз тарбиялаган, вояга етказган – шу халқ. Барчамизга туз-насиба берган ҳам – шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ. Шундай экан, биз биринчи навбатда ким билан мулоқот қилишимиз керак – одамларимиз билан. Ким билан бамаслаҳат иш тутишимиз керак – аввало, халқимиз билан. Шунда халқимиз биздан рози бўлади. Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади»⁵.

Президентимиз 2017 йил вазифаларини белгилаб берар экан, биринчидан, «фуқаролар билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги самарали усул ва механизмларни татбиқ қилиш, жумладан, барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизимини жорий этиш керак. Ўйлайманки, ана шу муҳим ишда Қонунчилик палатаси ва Сенат қўмиталари фаол иштирок этади», деди. Бунинг учун барча вилоятлар, туман ва шаҳарларда Халқ қабулхоналари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш вазифаси кўндаланг қўйилди. **«Ана шу ишларнинг бош мақсади – фуқароларнинг қонуний мурожаатларини қисқа муддатда кўриб чиқишни ва ҳал этишни таъминлашдир. Бу борада рақамлар ва силлиқ ҳисоботларнинг орқасидан қувиб, навбатдаги компаниябозликни уюштириш керак эмас. Бунинг халқ ҳеч қачон кечирмайди»⁶**, деб алоҳида таъкидлади Ш.Мирзиёев.

⁵ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этайлик. –Т.: Ўзбекистон, 2016. –Б. 17.

⁶ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. –Б.8.

Бундан буён аризачи жавоб хатидан қаноат ҳосил қилмаса, бундай муружат нозоратдан олинмайдиган бўлди.

Яна бир муҳим сиёсий ҳужжат мамлакатимиз ҳаётида туб бурилиш даврини бошлаб берди, десак янглишмаймиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги **ПФ-4947-сон Фармонида бешта устувор йўналиш, яъни: давлат ва жамият тизимини такомиллаштириш; қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш; иқтисодий ривожлантириш ва эркинлаштириш; ижтимоий соҳани ривожлантириш; хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатга доир 2017–2021 йилларга мўлжалланган бош вазифалар белгилаб берилди.**

Бугунги кунда Ҳаракат стратегияси йўналишларини ҳаётга тадбиқ этиш бўйича кенг миқёсда, сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, ижро ҳокимияти тизимида ҳокимнинг Иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари, Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари лавозимлари жорий этилди, давлат бошқарув аппарати фаолиятининг қонунчилик, ҳуқуқий базасини замонавий талаблар асосида такомиллаштириб бориш вазифаси белгиланди.

Хулоса шуки, 2017 йил бошидан бери давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти очиқлиги принципларида юз берган бир қатор ижобий ўзгаришлар халқнинг давлат органларига ишончини кучайтирди, икки ўртада самимий мулоқот муҳити яратилди. Булар ҳаммаси иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётимизда янги марраларни дадилроқ эгаллашга кенг имкониятни туғдирмоқда.

Соҳани такомиллаштиришга оид таклифлар

Юқорида биз алоҳида таҳлил этган қонуннинг ижросини тўлақонли таъминлаш мақсадида қуйидаги таклифларни илгари сурамиз:

- 1) Давлат органларида ҳукуматга бўйсунувчи очиқлик масаласи билан шуғулланадиган лавозим тизимини жорий этиш;
- 2) Давлат ҳокимияти органларининг очиқлиги талабларини бузган давлат органлари ва хизматчилар ҳақидаги маълумотларни Электрон ҳукумат маркази сайтида мунтазам эълон қилиб бориш;

- 3) Ҳокимият органларининг очиқлиги устидан жамоат назоратини ўрнатиш ва баҳолаш институтларини ташкил этиш;
- 4) Ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлигига оид тушунчалар, изоҳлар тушунарли тилда ёзилган ўқув қўлланмаларни яратиш;
- 5) Давлат бошқарувини модернизация қилиш ва маъмурий ислохотлар самарасини оширишда тегишли ваколатли органлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари (регламентлари)ни изчил такомиллаштириш лозим. Шу мақсадда Маъмурий процессуал кодексни, «Маъмурий процедуралар тўғрисида»ги, «Давлат хизмати тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиш талаб этилади.

Тавсиялар:

- 1) Веб-сайтларга қўйиладиган ахборотларни қонун талабларига мослаштириш, хусусан, юридик ва жисмоний шахслар эҳтиёжмонанд бўлган давлат ресурсларидаги ахборотларни тўлиқ жойлаштириш;
- 2) Ижро ҳокимияти расмий сайтларини унификациялаш (тизимга солиш).
- 3) Сайтга қўйиладиган ахборотларда муддатга амал қилиш.
- 4) Ижтимоий аҳамиятга молик ахборотларнинг матнини қисман эмас, балки тўлиқ жойлаштириш. Эски таҳрирдаги норматив-ҳуқуқий актларни сайтдан олиб қўйиш.

БМТТД лойиҳаси экспертлари ҳозирги даврда давлат бошқаруви модернизациялашаётганлиги, ҳокимият ва жамият муносабатлари демократиялашганлиги шароитида муҳим ҳуқуқий механизм сифатида «Давлат бошқарувида ахборот фаолияти тўғрисида»ги Қонунни ишлаб чиқишни тавсия этадилар.

Бизнингча, ДХБО фаолиятининг очиқлиги соҳасида ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш ва эълон қилинган ахборотларнинг ҳажми эмас, балки фуқаролар ва давлатнинг ўзи хоҳлаган масала бўйича натижалари ва кўрадиган фойдаси асосий ўринда туриши керак.

ИЛОВАЛАР

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

А

Ариза – бу ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат.

Ахборот-коммуникация технологиялари – хусусий, умумий ва ишлаб чиқариш коммуникациясида ахборот тайёрлаш, қайта ишлаш ва етказиш билан боғлиқ бўлган объектлар, ҳаракатлар ва қоидалар, шунингдек, технологиялар ҳамда санаб ўтилган жараёнларни биргаликда таъминловчи соҳалар мажмуи.

Б

Барқарорлик (ижтимоий б.) – жамиятдаги тинч-тотувлик ва уни мустаҳкамлаш учун шарт-шароитнинг мавжудлиги; ижтимоий қатламлар, кучлар ва сиёсий партиялар ўртасидаги ҳамжиҳатлик вазияти; давлат, жамоат ташкилотлари, фуқаролар ўртасидаги ижтимоий келишув ҳолатининг муттасил давом этиши ва ҳ.к.

Бюрократия – аниқ ҳокимият иерархиясига, амалдорлар ҳуқ-атворини белгилаб берадиган кўрсатма ва йўриқномаларга эга бўлган, фақат ўзининг манфаатини кўзлаган ҳолда жамият ривожига салбий таъсир кўрсатадиган ташкилот типи, амалдорлар штати.

В

Веб-саҳифа – Интернет манзили (url) билан бир хил маънода белгиланувчи мантиқий birlik. У веб сайтнинг таркибий қисмидир.

Г

Глобаллашув – дунёдаги турли одамлар, минтақалар ва мамлакатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг ўсиши. Яна: глобаллашув – умумбашарий муаммоларни биргаликда ечиш йўллари.

Д

Давлат – қонун чиқарувчи, ижроия ва суд тизими идораларидан иборат олий ҳокимият бўлиб, жамият сиёсий тизимининг асосий бўғинидир.

Демократия – ҳамманинг манфаатлари йўлида кўпчиликнинг ҳокимияти ва озчиликнинг иродасини ҳурмат қилиш тушунилади.

Демократия мезонлари – фуқароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этиши ва бошқарув органларига ўз вакиллари сайлаш имкониятидан яхши фойдаланиши.

Дин – муайян ҳамжамият аъзоларининг эътиқоди. У ўз ичига сиғиниш ва эҳтиром билан қараладиган тимсоллар, шунингдек, маросимларни қамраб олади.

Ж

Жамият – ўз ҳаётий эҳтиёжларини қондиришда ўзаро алоқадор инсонлардан ташкил топган ижтимоий тизим.

Жамоатчилик фикри – омманинг, аҳоли кўпчилиқ қатламининг воқеа-ҳодиса-ларга, ижтимоий жараёнларга нисбатан муносабатини ифодаловчи фикрлари, ғоя, қараш ва тасаввурларидан иборат тушунча.

И

Ижтимоийлашув – жамиятнинг муваффақиятли ривожланиши учун зарур бўлган намунали хулқ, психологик механизм, социал норма ва қадриятларни ўзлаштириш жараёни.

Индивидуал онг – ҳар бир кишининг ўзига хос тарзда, ён-атрофни билиши, сезиши, идрок этиши, унинг тўпланган ижтимоий-тарихий тажрибаларни ўзлаштирганини кўрсатувчи фикрлари, тасаввурлари, ғоялари ва қарашларини ифодаловчи тушунча.

Интернет хизматлари – Интернет тармоғи абонентларига амалий протоколлар томонидан тақдим этилувчи функционал имкониятлар мажмуи: веб ҳужжатларни ўқиш, электрон почта, файлларни ўзатиш ва қабул қилиш, мулоқотда бўлиш, тармоқли ҳужжатларни сақлаш, улар билан ишлаш ва ҳ.к.

Ислом – Аллоҳга ўзини топшириш, итоат қилиш, яққа Аллоҳ ва Мухаммад унинг элчиси эканлигини ҳамда унинг амр

ва фармонларини дин аҳли томонидан сўзсиз бажарилишини ташвиқ этувчи диний таълимот. Ислом дини асрлар давомида халқимизнинг муқаддас эътиқоди, маънавий ҳаётнинг дастуруламали бўлиб келган.

Ижтимоий назорат – ижтимоий тизимнинг, уни ташкил этувчи элементларининг ўзаро хатти-ҳаракатларини норматив идора воқеасида тартибга солишни таъминловчи ўзини-ўзи идора этиш усули.

Ижтимоий фикр – тараққиётнинг турли муаммолари, хусусиятлари тўғрисида турли хил ижтимоий гурӯҳ ёки қатламларга мансуб кишиларнинг муносабатини ўрганиш натижасида ҳосил қилинган тасаввурлар йиғиндиси.

Ислоҳот – мавжуд ижтимоий тўзум асосларига путур етказмасдан ижтимоий ҳаётнинг бирон-бир соҳасини ўзгартириш, янгиликларни жорий этиш.

К

Коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларни ёҳуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш.

Коррупцияга оид қонунбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш.

Коррупцияга қарши курашиш – коррупцияга оид ҳолатларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек, коррупцион жиноятларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида чора-тадбирларни амалга ошириш.

М

Маданият – парвариш қилиш, ақлга ишлов бериш маъносини билдиради. Билимдон, маърифатли, юксак тарбияли инсонга шундай таъриф берилади.

Мафкура – нуқтаи назар ва эътиқодлар тизими; жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, фалсафий, илмий қарашлар, фикрлар ва ғоялар мажмуи.

Маънавият – маънолар мажмуи; у мафкура, тафаккур тушунчаларига яқин бўлиб, кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи ҳисобланади.

Модернизациялаш – давлат ва жамиятни замонавийлаштириш, сиёсий тизимни янгилаш, ислоҳ этиш.

Менталитет – ақл, тафаккур, фикр юритиш тарзи, фикрлаш усули, киши руҳияти тарзига айтилади. Шу билан бирга, у муайян тайёргарлик, йўл-йўриқ ва мойиллик асосида индивид ёки ижтимоий гуруҳларнинг иш тутиш усули, фикр юритиши, дунёни идрок қилиши ва фаҳмлашини билдиради.

О

Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) – оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва ёки электрон тарзда (теле-, радио-, видео, кинохроникал дастурлар, умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидаги веб сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг шакллари. ОАВ ахборотни тарқатиш воситалари бўлиб, оммавий аудитория йўналганлиги, ҳаммабоплиги билан ажралиб туради ҳамда матбуот, радио, телевидение. У Интернетни ҳам ўз ичига олади.

Оммавий ахборот воситалари – радио, телевидение, газета, журнал ва шу каби катта аудиторияларга мўлжалланган коммуникация турлари.

Оммавий маданият – ўзида мавжуд бўлган умуминсоний қадриятларни юзага чиқарган йирик мамлакатлар томонидан ёш давлатларни ўзligидан, урф-одат, анъана, қадриятларидан маҳрум қилишга қаратилган ҳаракат.

П

Прагматизм – иш, амал, хатти-ҳаракат маъносини англатади.

С

Сиёсий онг – қонунлар ва сиёсатни амалга ошириш механизмларини билиш имконини берадиган, инсоннинг атроф-муҳитга ва сиёсий ҳаётга муносабатини шакллантирадиган, давлат сиёсатининг мақсад ва мазмунини тушунишга ёрдамлашадиган омил ва воситалар мажмуи.

Сиёсий маданият – уч жиҳатнинг, яъни тарихий-сиёсий тажриба, сиёсий онг ва сиёсий ҳуққ-атворнинг муштараклиги.

Сиёсий иштирок – фуқароларнинг сиёсий тизим ёки муҳолифатни тегишли даражада қўллаб-қувватлашларини ўзида ифодалайдиган жараён.

Сиёсий партиялар – давлат ҳокимиятига эришиш ва бу ҳокимиятдан муайян дастурни бажариш учун фойдаланишни мақсад қилиб қўйган ташкилот.

Т

Таклиф – бу давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўзичига олган мурожат.

Талабнома – ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳўжалик юритувчи субъект мазкур ҳуқуқ ва манфаатларни бузган ҳўжалик юритувчи субъектга нисбатан талаблари акс этган ёзма ҳужжат.

Толерантлик – ўзгаларнинг турмуш тарзи, ҳуққ-атвори, одатлари, ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари, ғоялари ва этиқодларига нисбатан чидамлилиқ, бағрикенглик.

Ф

Фуқаро – ҳуқуқий асосда муайян давлатга мансуб бўлган шахс. Фуқаро ҳуқуқий муомала лаёқатига, шунингдек, ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларга эга бўлади.

Фуқаролик жамияти – ҳуқуқ назариясида демократик жамият доирасида давлатдан мустақил тарзда ривожланувчи иқтисодиёт, сиёсат, маданият соҳаларидаги муносабатлар мажмуи бўлиб, ҳуқуқнинг олий даражада ривожланганлигини тақозо этади.

Э

Элита (фр. элите – энг сара) – ҳар қандай ижтимоий тузилманинг бошқарув, маданият ва фанни ривожлантириш функцияларини амалга оширувчи олий, имтиёзли қатлами.

Этиқод – (ишонч, иймон) – муайян мақсад, қадриятга ишонч, шу асосда шаклланган тафаккур.

Қ

Қонун – сиёсий ҳокимият томонидан белгиланган ва давлат қудрати билан қўллаб-қувватланадиган ҳуққ-атвор қоидалари.

Ғ

Ғоя – инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни

ҳаракатга чорлайдиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган кучли, теран фикрлар мажмуи.

Ҳ

Ҳуқуқий давлат — бу инсоннинг ўзвий ҳуқуқлари ва эркинликларини мустаҳкамловчи, аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ифодаловчи қонунлар қабул қилиш йўли билан фуқаролик жамияти ишларини бошқаришни амалга оширувчи ва ўз-ўзидан ҳуқуққа бўйсунувчи давлат.

Ҳуқуқий маданият — жамиятнинг қонунчилик даражаси, мавжуд қонунлардан аҳолининг хабардорлик ва ҳуқуқий саводхонлик даражаси, халқнинг ҳуқуқ нормаларига риоя қилиши ва уларни ба-жармаган шахсларга нисбатан муросасиз бўлиши.

Ҳуқуқий мафкура — ҳар хил ҳуқуқий ҳодисалар ҳақидаги нуқтаи назар, тушунча, ғоя ва қарашларнинг илмий умумлаштирилган тизимини ифодаловчи фикрлар мажмуаси.

Ҳуқуқий онг — деганда, кишиларнинг ҳуқуқ ҳақида тушунча ва билимларга эга бўлиши, шунингдек, ҳуқуқ борасидаги тасаввурларнинг инсон онгида акс этиши тушунилади.

Ҳуқуқ-тартибот — ҳуқуқнинг барча субъектлари ҳуқуқий нормалар кўрсатмаларига аниқ ва тўлиқ риоя қилиши натижасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар тизими, жамоат тартибининг таркибий қисми.

ИНТЕРНЕТ ЖУРНАЛИСТИКАГА ОИД ТУШУНЧАЛАР

А

Ахборот технологиялари — объект ёхуд воқеа-ҳодиса, жараён, объект ҳолати ҳақида янги сифатга эга бўлган ахборотни олиш учун маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва узатиш мақсадида ишлатиладиган во-сита, усуллар ва техникалар жамланмаси.

Ахборот тизими — фойдаланувчи сўровига биноан сақлаш, қидириш ва узатишга мўлжалланган ахборотни узатиш тизими.

Г

Гиперматн — олдиндан терилган сўзлар орқали турли хил ҳужжатларни бирлаштирувчи матн.

Гипермуружаат — калит сўзлар деб номланган сўзлар орқали бошқа маълумотларга му-рожаат қилиш.

Д

Дастурий воситалар — ахборот тизимидаги маълумотларни қайта ишлаб, умумий ва амалий дастур таъминотини амалга оши-рувчи воситалар.

Домен номи — доменнинг белгилардаги номи. Домен номи Интернет тармоғидаги ахборот, сайт манзилини кўрсатишга хиз-мат қилади.

Домен номлар хизмати (Domain Name Service) — Сизнинг сайтингиз манзилини Интер-

нетда ушлаб туриб, сайтга фойдаланувчи-ларнинг киришига имкон яратади.

И

Интернет — бутунжаҳон глобал компьютер тармоғи.

К

Контент-менеджер - сайт муҳаррири, у сайтда-ги ахборот долзарблигига жавоб беради.

М

Мазмун (контент)ни бошқариш тизими (ингл. content management system, CMS) — компьютер дастури. Мазкур тизим катта ҳажмдаги ҳужжатларни сақлаш учун иш-латилади ва сайтни бошқаради.

Маршрутлаштирувчи Router — маълумотлар оқимини қулай ва яқин йўл билан ман-зилга етказишни режалаштирувчи ва амалга оширувчи дастурлар тўплами.

Маълумотлар схемаси — вазифаларни бажар-ишда маълумотларни йиғиш, уларни қайта ишлаш босқичларини аниқлайди.

П

Портлар — электрон схемалар. Улар ёрдами-да компьютерни микропроцессорнинг ташқи шиналарига улаш мумкин.

С

Сайт – Интернетдаги саҳифа бўлиб, йўналишига кўра маълумот беради. Сайтлар бир одамга ва ташкилотга тегишли бўлиши ҳамда мазмун жиҳатдан турларга бўлиниши мумкин.

Стандарт скриптлар – сайтда тайёр дастурларни ишлатиш имконини бериб, форумлар, меҳмон саҳифаси, электрон конференцияларни яратади.

Т

Техник воситалар – бу оргтехника, компьютер, алоқа тармоқлари, тармоқ жиҳозларини ўз ичига олувчи воситалардир.

Технология – илмий ва муҳандислик билимлар мажмуи бўлиб, ўзида техник, энергетик, меҳнат омилларини мужассамлаштиради.

Х

Хостинг (ингл. hosting) — серверда ахборотни жойлаштириш хизмати.

Хостинг-провайдер (хостер) – сайтларни жойлаштириш хизматини бажарувчи компания.

Ш

ШЛЮЗ (GATEWAY) – маълумотларни ўзатишнинг турли қайдномаларини интернетдан фойдаланадиган электрон почтанинг оддий қайдномаси SMTPга айланти-

рувчи дастурлар тўплами. Бу дастурлар ўрнатилган компьютер ҳам шундай номланади.

В

Brouzer – излаш ва ахборотларни мижозларга етказиш дастур таъминоти.

Д

DNS server – IP манзиллар ва компьютерларнинг домен номини аниқловчи сервер. Бу номлар билан ишлайдиган дастур жойлаштирилган компьютер.

Г

Gopher – Интернет тизимидаги файлларни топиш, кўриш, ўзатиш дастури.

Н

Host компьютерлари – Интернетнинг сервер хизматини бажарувчи компьютерлар, Интернет билан боғланган алоқа хабарини олувчи ва уни мос алоқа бўлимларига жўнатувчи компьютерлар.

И

Intranet – Интернет технологияси, дастурий таъминот ва қайдномалар асосида ташкил этилган ҳамда маълумотлар базаси ва электрон ҳужжатлар билан жамоа

бўлиб ишлаш имконини берувчи корхона ёки концерн миқёсидаги ягона ахборот муҳитини ташкил этувчи компьютер тармоғи.

M

Mirror server — кўпчиликни қизиқтирувчи сервер нусхалари, одатда бошқа мамлакатлар серверларига ҳам жойлаштирилади. Бу эса шу мамлакатдан жўнатиладиган сўровларнинг ҳажмини камайтиради. Одатда бундай серверларнинг борлиги уй саҳифаларида ўз аксини топган бўлиб, унга қараб қайси сервер билан ишлаш қулайлиги аниқланади ва танланади.

P

PROXY — баъзи бир маълумотларга кўпчилик муурожаат қилгани учун, бу маълумотлар сақланаётган серверларга улаиш қийин бўлади. Шунинг учун бундай серверларнинг нусхалари бошқа серверларда ҳам сақланади. PROXY серверлар деб аталувчи бундай серверлардан фойдаланиш имконияти операцион тизимни ўрнатишда ҳисобга олиниши керак. Бир нечта компьютернинг Интернетга улаишини таъминлайди.

S

Server — бошқа компьютерларга ва дастурларга хизмат кўрсатадиган компьютер ёки дастур, ресурслар жойлашган узокдаги компьютер. Битта компьютерда бир нечта

сервер жойлашган бўлиши мумкин. Масалан: WWW, электрон почта серверлари.

T

Telnet (телефон тармоғи) — узокда жойлашган компьютер тармоғига кириш воситаси бўлиб, икки компьютерни бир-бири билан боғлаб, маълумот олиш имконини беради.

Traffic — Интернет алоқа каналлари орқали узатиладиган маълумотлар оқими ҳажми.

U

Usenet — фойдаланувчилар ўзларини қизиқтирган мавзулар бўйича муҳокамалар, телеконференцияларни ўтказиш имконини беради.

USENET — янгиликлар ва электрон почтанинг халқаро тармоғи.

W

Web тугун (үзел) — битта муаллиф ёки WWW га тегишли бўлган бир гуруҳ ўзаро «гипербоғланишлар» билан алоқадор бўлган веб-саҳифалар мажмуаси.

World Wide Web- WWW — электрон саҳифа хизмати.

МАВЗУ БЎЙИЧА НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1.	Жамоатчилик фикрининг ижтимоий аҳамиятини нимада деб биласиз?
2.	Сўз ва матбуот эркинлигининг моҳиятини изоҳланг.
3.	Ошкоралик деганда нимани тушунасиш?
4.	Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунини биласизми?
5.	Парламент назоратининг мақсади нималардан иборат?
6.	Парламент сўрови деганда нимани тушунасиш?
7.	Давлат хизмати деганда нимани тушунасиш?
8.	Интерактив алоқа нима?
9.	Давлат органининг жамоатчилик олдида имиджини ошириш учун нима қилиш керак?
10.	Фуқароларнинг муурожаатларини ҳал этишда виртуал қабулхоналарнинг ўрни ва аҳамияти нималарда кўринади?
11.	Барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари раҳбарларининг виртуал қабулхоналарини ташкил этишдан қандай мақсад кўзланмоқда?
12.	Халқ билан самарали мулоқот механизмлари Ҳаракатлар стратегиясининг қайси бандида ўз аксини топган?
13.	«Жамоатчилик назорати»нинг зарурати нималарда намоён бўлади?
14.	Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жадаллаштириш механизми нимадан иборат?
15.	Аҳолига арзон уй-жой қаерларда барпо этилади ва қурилиш қандай манбалар ҳисобидан молиялаштирилади?

МАВЗУ БЎЙИЧА ТЕСТЛАР

1

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишда жамоатчилик фикрининг бугунги долзарб йўналишлари қаторида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- а)** Ижтимоий-маданий соҳаларда гуманизм ғояларига садоқат, инсон ва турмуш тарзи билан боғлиқ масалаларда ижтимоий ҳимоя воситаларини кенг қўллаш, шахснинг ҳақ-ҳуқуқлари, инсоний ғурури, ор-номусини ҳурматлаш, инсон ҳақ-ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Декларация талабларига риоя қилиш;
- б)** Халқ маънавияти ва анъанавий ахлоқий қарашларини тиклаш, миллий меросни асраш, эҳтиёт қилиб авлодларга етказиш чораларини кўриш, қадимий тарихий ёдгорликларни таъмирлаш, Ўзбекистонда асрлар давомида яратилган беқиёс санъат асарларини излаб топиш ва Ватанга қайтариш чора-тадбирларини кўриш;
- в)** Ўзбек тилини Ўзбекистон халқларини ўзаро ҳамжиҳатликка ундовчи ва уюштирувчилик ролини кенг тарғиб этиш, давлат тили тўғрисидаги қонун талабларини тўла бажариш, Ўзбекистон халқларининг тақдири, маданиятларига ҳурмат билан муносабатда бўлишга даъват этиш;
- г)** Сўз, дин ва фикр эркинлигини таъминлаш: ислом ва бошқа динлар – инсоннинг маънавий шаклланиш манбалари эканлиги;
- д)** Ҳар бир фуқаро умумий таълим, махсус билимлар ва олий маълумот олиши учун тенг ва баравар шарт-шароитларнинг яратилиши;
- е)** Илмий, ижтимоий, бадий ва бошқа ижодиёт турлари такомили учун етарли шарт-шароитларнинг юзага келтирилиши, иқтидорли ёшларга кенг йўл очилиши, интеллектуал мулк ҳимояси ҳусусида қарорлар қабул қилиниши;
- и)** а, г жавоблари тўғри;
- к)** Ҳамма жавоблар тўғри;

2

Жамоатчилик фикрининг ижтимоий ҳаётда амал қилиш кафолати бۇ:

- а) Жамиятда реал амал қилинаётган сўз, матбуот, йиғилишлар эркинлиги;
- б) Халқнинг интеллектуал-маънавий маданияти савияси;
- в) Турли хил ижтимоий институтлар, партия ва уюшмаларга берилган эркинликлар даражаси.

3

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари томонидан жамоатчилик фикрининг ўрганилиши қуйидаги усуллар орқали амалга оширилади:

- а) Бу маълумотларни олиш учун саволнома;
- б) Бу сўровномага (анкета) тарзида жавоб олиш;
- в) Ҳар хил статистик маълумотларни электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида йиғиш ва қайта ишлаш;
- г) а ва б жавоблар тўғри;
- д) Ҳамма жавоблар тўғри.

4

Сўз эркинлиги функциялари, бۇ:

- а) Ҳақиқатга эришиш;
- б) Шахснинг ўз-ўзини намоён қилиши;
- в) Ўзини-ўзи бошқариш;
- г) б жавоби тўғри.

5

Қонунлардаги мавжуд меъёрларнинг амал қилиниши қўп жиҳатдан қуйидагиларга боғлиқ:

- а) Фуқароларнинг ҳуқуқий онгига;
- б) Жамоатчилик фикрига;
- в) Жамоатчилик назоратига;
- г) Давлат органлари назоратига;
- д) а жавоби тўғри.

ТЕЗКОР ГУРУҲ ШАКЛИДА ИШЛАШ УЧУН ТЕСТЛАР

1

«Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонуннинг мақсади:

- а) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.
- б) фуқаролик жамияти элементларини барпо қилиш;
- в) давлат – жамият – шахс муносабатларини яқинлаштириш.

2

Ҳуқуқий маданият бу:

- а) Ҳуқуқий билимларга эга бўлиш;
- б) Ҳуқуқий билимларни амалиётда татбиқ эта олиш;
- в) Ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий эътиқод;
- г) Конституция ва қонунлар устуворлигини тан олиш;
- д) Одамларнинг ҳуқуқлардан шунчаки хабардорлиги, уларнинг қонунларга риоя этиши ва бажаришга тайёрилик, қонунга итоаткорлик, ҳуқуқни ва одил судловни ҳурмат қилишидир.
- е) Конституция ва қонунларнинг устуворлигини тан олиш, риоя қилиш ва ҳурмат қилиш;
- ж) Ҳуқуқий онг даражасининг юксаклиги белгиси;
- и) «Инсон – давлат» муносабатларида устуворлик;
- к) Умумий маданиятнинг ажралмас таркибий қисми.

3

Инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишда судларнинг ўрни, бу:

- а) Суд фуқароларнинг бузилган қонуний ҳуқуқлар ва манфаатларини ҳимоя қилиш имконияти;
- б) Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотнинг энг муҳим вазифаларидан бири;
- в) қонунни бузган шахс жазосиз қолмаслиги;
- г) ҳар кимнинг бузилган ҳуқуқи тикланишини ҳамда ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарнинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгаллиги;
- д) Суд ходимларининг билимдонлиги.

4

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти:

- а) Сўз эркинлиги ҳуқуқи демократик ислохотларни амалга ошириш даврида муҳим ўрин тутди;
- б) Жамиятда фикрлар, қарашлар ранг-баранглигига эришиш воситаси;
- в) Жамоатчилик минбари;
- г) Аҳолини жамиятда амалга оширилаётган ислохотлардан бохабар қилиш воситаси;
- д) Аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишда манба.

5

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигининг асосий принциплари қайси?

- а) улар томонидан тақдим этиладиган ахборотдан ҳаммининг фойдаланиши мумкинлиги, унинг ўз вақтида берилиши ва ишончилиги;
- б) улар фаолиятининг ошкоралиги ва шаффофлиги;
- в) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги;
- г) ҳаммаси тўғри.

6

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот манбаларига қайси бири киради:

- а) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий нашрлари;
- б) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг, шунингдек ушбу органлар томонидан ваколат берилган мансабдор шахсларнинг чиқишлари ва баёнотлари;
- в) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматларининг хабарлари;
- г) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари расмий веб-сайтларининг материаллари;
- д) оммавий ахборот воситаларининг материаллари;
- ж) ҳаммаси тўғри.

7

Ўзбекистон жамиятининг мустақил тараққиёти нималарда акс этади?

- а) Ўзига хос тараққиёт моделини танлаганликда;
- б) Тараққиёт моделини танлашда бирон-бир давлат таъсирида бўлмаганлиги;
- в) Мамлакат аҳолисининг хоҳиш-истагини, халқнинг миллий-маданий хусусиятларини ҳисобга олганликда;
- г) ҳаммаси тўғри.

8

Жамият ҳаётини модернизациялаш нима?

- а) Янгиланиш
- б) Янги усулларни қўллаш
- в) Янада такомиллаштириш
- г) ҳаммаси тўғри.

9

Жамият тараққиётида «инсон тараққиёти концепцияси»нинг моҳияти нималарда акс этади?

- а) Инсон – тараққиётнинг бош омили деб танланганлигида;
- б) Инсон манфаатларининг ўстуворлигида;
- в) Ишлаб чиқариш соҳаларини модернизациялашда;
- г) б ва в

10

Фуқаролик жамияти институтларини аниқланг.

- а) ННТ
- б) Жамоат бирлашмалари
- в) Маҳалла
- г) ҳаммаси тўғри.

11

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун қандай тузилма ташкил этилди?

- а) Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси

- б) Коррупция олдини олиш бўйича республика идоралараро комиссияси
- в) Бош прокуратура ҳузурида Коррупцияга қарши курашиш бўйича департамент
- г) Барча жавоблар тўғри

12

Ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг муҳим мезонларидан бирини кўрсатинг.

- а) Жамиятда аҳоли ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасининг юксаклиги
- б) Аҳолининг ислохотдан хабардор эканлиги
- в) Коррупцияга қарши курашиш бўйича қонуннинг мавжудлиги
- г) Аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасининг юксаклиги

13

2017–2021 йилларда қабул қилинган қонун ҳужжатларини аҳоли ва иж-
рочиларга ўз вақтида етказишнинг самарали тизимини яратиш мақсадида
қандай ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган?

- а) Журналистнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун
- б) Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун
- в) Коррупцияга қарши курашиш бўйича қонун
- г) Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисидаги қонун

14

2017–2021 йилларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари
ходимлари ҳамда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти юксалтиришга
доир қабул қилинган янги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ту-
шунтириш мақсадида маҳаллаларда қандай ишлар амалга ошириш кўзда
тутилган?

- а) Ҳафтада уч марта «Жиноятдан сақланинг!» ўқув машғулотини жорий этиш ва доимий ўтказиб бориш
- б) Ҳафтада бир марта «Ҳуқуқий билимлар» ўқув машғулотини жорий этиш ва доимий ўтказиб бориш
- в) Ҳафтада икки марта «Диний экстремизм ва терроризм – ёшлар келажагига таҳдид» мавзуларида учрашув ва давра суҳбатларини ташкил этиш
- г) Ҳафтада бир марта «Маҳалламиз жиноятчиликка қарши туради» акцияла-
рини ўтказиш

Фойдаланишга тавсия этилаётган адабиётлар

Раҳбарий адабиётлар

- [1] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Ўзбекистон, Т., 2014.
- [2] Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этайлик. –Т.: Ўзбекистон, 2016. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги кириш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи.
- [3] Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017. Мамлакатимизни 2016 йил ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. 2017 йил 14 январь.
- [4] Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
- [5] Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Т., Ўзбекистон, -2011.
- [6] Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат қилсин. Т., Ўзбекистон, 1998 й.
- [7] Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т., Ўзбекистон, 1998.
- [8] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., Ўзбекистон, 1997.
- [9] Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т., «Ўзбекистон», 1997.
- [10] Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонуни //

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг Ахборотномаси. 2007 й. 7-сон, 326-модда, 2008 й. 12-сон, 637-модда.

- [11] Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 2002 й. 5-сон, 67-модда
- [12] Ўзбекистон Республикаси «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари Ахборотномаси. 2008 й. 12-сон, 637-модда.
- [13] Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезони. Т., Ўзбекистон, 2011.
- [14] Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир.Т., Ўзбекистон, 2012.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

- [15] «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1991 йил.
- [16] «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1992.
- [17] «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1997.
- [18] «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1997.
- [19] «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, 1997.
- [20] «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни.1999 йил.
- [21] «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2003.

- [22] «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2003.
- [23] «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2007.
- [24] «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2014.
- [25] «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2015.
- [26] «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2014.
- [27] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2016 йил №43, 497-модда.
- [28] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.
- [29] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2761-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил №6, 76-модда.
- [30] 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-ўслубий рисола. – Т.: «Маънавият», 2017.

Интернет материаллари

- [31] <http://www.gov.uz>
- [32] <https://pm.gov.uz/uz>
- [33] www.xc.uz

- [34] [www. uza.uz](http://www.uza.uz)
- [35] www.gazeta.uz
- [36] [http//www.lex.uz](http://www.lex.uz)
- [37] [http//www.uzlidep.uz](http://www.uzlidep.uz)
- [38] [http//www.21asr.uz](http://www.21asr.uz)
- [39] [http//www.adolat.uz](http://www.adolat.uz)
- [40] www.kun.uz
- [41] [http//www.mtdp.uz](http://www.mtdp.uz)
- [42] [http//www.eko.uz](http://www.eko.uz)
- [43] [http//www.demparty.ru](http://www.demparty.ru)
- [44] [http//www.edinos.ru](http://www.edinos.ru)
- [45] [http//www.ldpr.ru](http://www.ldpr.ru)
- [46] [http//www.kprf.ru](http://www.kprf.ru)
- [47] [http//www.election.uz](http://www.election.uz)
- [48] [http//www.buxoro.uz](http://www.buxoro.uz)
- [49] [http//www.jizzax.uz](http://www.jizzax.uz)
- [50] [http//www.samarkand.uz](http://www.samarkand.uz)
- [51] <http://www.social-networking.ru>
- [52] [http//www.nanouz.uz](http://www.nanouz.uz)
- [53] [http//www.icrc.org](http://www.icrc.org)
- [54] [http//www.who.int](http://www.who.int)
- [55] [http//www.wildfield.ru](http://www.wildfield.ru)
- [56] [http//www.rsf.org](http://www.rsf.org)
- [57] [http//www.xorazmakm.zn.uz](http://www.xorazmakm.zn.uz)
- [58] <http://www.lprc.uz/text/199>
- [59] <http://infometer.org/blogi/gdepublikovatod>
- [60] <http://m.gov.uz>

МУНДАРИЖА

1-БОБ. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш – демократиянинг зарурий шarti

Кириш.....	3
1.1. Қонуннинг мақсади, вазифалари ва принциплари.....	7
1.2. ДХБО раҳбарининг ваколатлари.....	10
1.3. ДХБО ахборот хизмати вазифаси.....	11

2-БОБ. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари очиқлигини таъминлашга масъул бўлган субъектлар ишини баҳолаш

2.1. ДХБО раҳбарининг қонун ижросига доир вазифалари.....	15
2.2. Ахборот хизмати ходимларининг тадбирларни ташкил этиш маҳорати.....	26

3-БОБ. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида очиқликни таъминлашнинг аниқ усуллари самарадорлиги

3.1. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида веб-сайтларнинг юритилиши.....	31
3.2. ДХБО раҳбарининг очиқликни таъминлаш ҳақидаги қарорларини ахборот стендларида жойлаштириш.....	39

4-БОБ. Давлат органига ахборот олувчилардан келиб тушган сўровларни қайта кўриб чиқиш

4.1. Сўров турлари.....	41
4.2. ОАВ вакилларини аккредитациядан ўтказиш.....	43
4.3. Сўровга талаблар ва жавобгарлик.....	44

Хулоса ўрнида47

Иловалар

Таянч тушунчалар.....	50
Интернет журналистикага оид тушунчалар.....	55
Мавзу бўйича назорат саволлари.....	58
Мавзу бўйича тестлар.....	59
Тезкор гуруҳ шаклида ишлаш учун тестлар.....	62
Фойдаланишга тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати.....	66

Ўқув-услубий нашр

Бахтиёр Омонов

**Давлат ҳокимияти ва бошқарув
органлари фаолияти очиклигини
таъминлаш механизмлари**

Ўзбек тилида

Тошкент «Global Books» нашриёти, 2017.

Нашриёт лицензияси №295 23.02.2017.

Мухаррир *Музаффар Аҳмад*
Бадий муҳаррир *Мирвосил Одилов*
Техник муҳаррир *Мелижон Содиров*
Саҳифаловчи *Жалол Ходжаев*
Корректор *Ҳафиза Омонова*

Босишга рухсат этилди 09.04.2017.

Бичими 60x90 ¹/₁₆. Times New Roman гарнитураси.

Офсет босма усулида босилди. Шартли босма табоқ 8,0. Нашр табоғи 7,5.

Тиражи 300 нусха. Баҳоси шартнома асосида. Шартнома №8.

«Global Books» МЧЖ компьютер бўлимида терилди ва саҳифаланди.
100129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй

«Avto-Nashr» ХК босмахонасида босилди.

Тошкент шаҳри, 8-март кўчаси, 57-уй

5–2017 рақамли буюртма.